# Яшасин улуғ революцион таълимот, барча мамлакатлар ишчилар синфи ва меҳнаткашларининг йўлчи юлдузи—марксизм-ленинизм!

ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН. ТАСС фотохроникаси.


БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 81 (1859) | 22 апрель, шанба, 1961 йил | Баҳоси 2 тийин


**Бугун Владимир Ильич Ленин туғилган кунга 91 йил тўлади**

## Ленин ғоялари коммунизм йўлини ёритмоқда

Ленин...

Бу улуг ва муътабар ном социалистик мамлакатимиз ва бутун дунё меҳнаткашларининг ақл-идрокида ва қалбида абадий яшамоқда. Жаҳондаги барча халқларнинг тилларида достон бўлиб қолган Ленининг ўлмас номи озодлик ва бахтиёр ҳаёт учун, ер юзида мустаҳкам тинчлик ва коммунизм гоясининг тўла тантанаси учун олиб борилаётган буюк курашнинг оташин чақириғи бўлиб янграмоқда.

Бутун дунё пролетариатининг буюк доҳиси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг гениал асосчиси В. И. Ленин туғилган кунининг 91 йиллиги бу йил ажойиб воқеалар юз бераётган бир вақтда нишонланмоқда. Бутун дунёдаги соф виждонли инсониятни тўлқинлантираётган ва ҳаяжонлантираётган буюк ажойиб воқеалар бизнинг қудратли социалистик Ватанимизда юз бермоқда. Ленин ғояларини ғоишмай амалга ошириб, социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабасига эришган Советлар мамлакатида одам биринчи бўлиб космоса йўл очиб берди. Халқимиз ва ленинчи партиямиз тарбиялаб вояга етказган биринчи космонавт Юрий Алексеевич Гагарининг жасорати ва маҳорати инсоният тарихида янги саҳифа очди.

Содиқ ленинчи Н. С. Хрушчев айтганидек, биринчи бўлиб «Восток» космик кемасида совет кишисининг космоса чиқиши ва ерга эсон-омон қайтиб тушиши инсоният тараққиётидаги ажойиб босқичдир. Бу босқич шунинг билан бирга Ленин гоясининг янги ажойиб тантанасидир. Албатта, бизнинг бу ютуғимиз тасодифий ҳодиса эмас. Ҳаммага шу нарса яхши маълумки, планеталараро баллистик ракеталар, Ернинг сунъий йўлдошлари, Қуёшнинг биринчи сунъий йўлдошлари бизнинг мамлакатимизда, Ленин Ватанида учирилди. Шунинг учун ҳам жаҳон халқлари асосчиси ва ташкилотчиси Ленин бўлган улуг социалистик давлатимизга зўр ҳавас билан назар солмоқдалар.

Тарихда мисли кўрилмаган бундай ажойиб ютуқларни қўлга киритаётган совет халқи Ленин партиясининг доно раҳбарлиги остида яқинлашиб келаётган партия XXII съездини тинч ижодий меҳнатда янги-янги ажойиб ютуқларни қўлга киритиш билан кутиб олиш учун астойдил курашмоқда.

Ленин йўлидан шаҳдам қадамлар билан олга бораётган бизнинг мамлакатимиз бутун фронт бўйлаб коммунизм қурмоқда. Партия XXI съезди томонидан қабул қилинган етти йиллик план коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда энг муҳим босқичдир. Бу улуғвор план асосида Коммунистик партия биринчи навбатда саноат ва қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини электрлаштириш вазифасини амалга оширади. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда электр қуввати ҳосил қилиш революциядан қадар бўлган даврга нисбатан 146 марта ошганлиги, социализм заминида электрлаштириш коммунизмнинг тўла тантанасига олиб келади, деган Ленин таълимотининг буюк ҳаётий кучидан далолат бермоқда.

Коммунистик партия Ленининг социалистик саноатни ва биринчи навбатда унинг асоси бўлган оғир саноатни ривожлантириш тўғрисидаги кўрсатмасини оғишмай амалга ошириб келмоқда. Етти йилликнинг икки йили ичида саноат маҳсулоти 22 процентдан кўпроқ ошди. Бу контроль рақамларда белгиланган ҳисоблардан анча кўпдир. Агар етти йил ичида саноат ривожланиши шундай суръатлар билан борадиган бўлса, 1965 йилга бориб саноат маҳсулоти планда кўрсатилган 80 процент эмас, балки тахминан икки бараварга ошади. Шу йиллар ичида республикамиз ва областимиз саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши ҳам планда кўрсатилганга нисбатан анча кўпаяди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида сўзлаган нутқида коммунизм ғалабаси учун курашда мамлакатда оғир саноатни ривожлантириш билан бирга, қишлоқ хўжалигини ҳам пропорционал равишда ривожлантириш кераклигини, бу эса Ленин васиятларидан бири эканлигини алоҳида уқтириб ўтди. Январь Пленуми қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш — коммунистик жамият қуришнинг ҳал қилувчи шартидир, бу умумхалқ ишидир, деб таъкидлади. Январь Пленуми қарорлари билан қуролланган халқимиз Ленин партияси раҳбарлигида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун, Пленум қарорларини тўла амалга ошириш учун зўр ғайрат ва юксак ижодий кўтарилиш билан меҳнат қилмоқда.

Социалистик саноат ва қишлоқ хўжалигининг гуркираб ривожланиши базасида мамлакатимизда фан ва маданият ҳам янада равнақ топмоқда. Халқ оммасининг моддий-маиший турмуш даражаси тобора яхшиланиб бораётир.

Тинчлик ва коммунизм бир-биридан ажралмасдир, деган Ленин васиятига содиқ бўлган партиямиз ва давлатимиз бутун дунёда мустаҳкам тинчликнинг тантана қилиши учун астойдил кураш олиб бормоқда. ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатни — ижтимоий тузумлари ҳар хил бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши сиёсатини оғишмай амалга ошириб келмоқда, империалистик ўришқоқларнинг ҳар қандай ғиғвогарона ҳаракатларини фош қилиб ташламоқда. Янги турмуш қураётган, ўз озодлиги ва мустақиллигини фидокорона ҳимоя қилаётган қаҳрамон Куба халқининг агрессорларни тор-мор келтирганлигини, америка империалистлари устидан қозонган ғалабасини совет халқи билан бирга бутун прогрессив инсоният табрикламоқда.

Биз ҳамма жойда, ҳар куни, ҳар соат, ҳар минут улуг Ленинни кўрмоқдамиз. Ленин ғоялари зафарли юришининг жонли гувоҳи бўлмоқдамиз. Гўё Ильич доимо биз билан ёнма-ён яшаб турғандек ҳис қилмоқдамиз. Унинг голиб ва сира енгилмас ғоялари инсониятнинг порлоқ келажаги—коммунизмга олиб борадиган нурли йўлимизни машъалдек ёритиб турибди.

В. И. Ленининг ёркин ҳаёти, ажойиб сиймоси асрлар давомида меҳнаткаш халқлар қалбида абадий яшайди.

— Яшасин Ленин тузган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — совет халқининг коммунизм қуриш учун курашдаги улуг илҳомбахш ва ташкилотчи кучи!

— Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олга!

*ГЛАВМОССТРОЙ, 42-ИХТИСОСЛАШГАН БОШҚАРМА*

### ШАШКИН, БОЛДИШЕВ, ТЕСЛЯ, МЕЛЬЯН, ВАСИЛЬЕВ ВА ГРИГОРЬЕВ ЎРТОҚЛАРГА

Азиз ўртоқлар Шашкин, Болдишев, Тесля, Мельян, Васильев ва Григорьев, сизларнинг хатингизни зўр мамнуният билан ўқиб чиқдим. Сизлар бу хатда қурилиш бошқармасининг раҳбар ходимларидан бутун бир группа бўлиб қўриқ ерлардаги районларга боришни ва қурилишларда ишлашни истаганлигингизни билдирибсиз.

Қўриқ ерларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш соҳасида партиямиз қўйган вазифалар шу районларда жуда катта қурилиш ишларини олиб бориш заруриятини туғдирмоқда.

Қўриқ ерларда сизлар учун кенг ва фахрли иш майдони бўлади. Қурилишнинг бошқа кўпгина инженер-техник ходимлари ҳам сизлардан ўрнак олишларига шак-шубҳа қилмайман.

Қўриқ ерлардаги районларда бажариладиган янги ишларда сиз, азиз ўртоқларга, катта муваффақиятлар тилайман.

**Н. ХРУШЧЕВ.**

1961 йил 20 апрель.

*ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА*

## ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА ЭНГ КЎЗГА КЎРИНГАН ИШЛАР УЧУН ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Фан ва техника соҳасида Ленин мукофотлари комитети қарор қилди:

### I.

Фан соҳасидаги энг кўзга кўринган ишлар учун қуйидагиларга 1961 йилги Ленин мукофотлари берилсин:

1. Академик Абрам Федорович **Иоффега** — чалаўтказгичларнинг хоссалари соҳасидаги назарий ва экспериментал тадқиқотлар ва термоэлектрик генераторлар назариясини ишлаб чиққанлиги учун.

2. Физика-математика фанлари доктори, СССР фанлар академиясининг В. А. Стеклов номидаги математика институтининг старший илмий ходими Михаил Михайлович **Постниковга** — узлуксиз тасвирлар гомотопик назариясига доир асарлар цикли учун.

3. СССР фанлар академияси геология институти лабораториясининг мудири, академик Николай Михайлович **Страховга** — «Летогенез назариясининг асослари» деган 1960 йилда эълон қилинган илмий асари учун.

4. А. А. Жданов номидаги Ленинград давлат университетининг профессори, биология фанлари доктори Артемий Васильевич **Ивановга** — 1960 йилда эълон қилинган «Погонофорлар» деган илмий асари учун.

5. Академик Вячеслав Петрович **Волгинга** — Марксгача бўлган социалистик таълимотлар тарихини ишлаб чиққанлиги учун, бу тадқиқотларнинг натижалари «Илмий социализм ўтмишдошлари» сериясидаги «Францияда XVIII асрда ижтимоий тафаккур тараққиёти» (1958 йил), деган китобда баён қилинган. Бу китоб Мелье, Морелли, Верас, Дезами, Годвинга бағишланган охирги томлар билан тугалланган (1954—1958 йиллар), шунингдек бу тадқиқотлар унинг бошқа асарларида ҳам баён қилинган.

6. Медицина фанлари докторлари Николай Михайлович **Амосовга**, Николай Варденович **Антелавага**, Лев Константинович **Богушга**, Иван Степанович **Колесниковга**, Борис Эдмундович **Линбергга**, Виктор Иванович **Стручковга**, Федор Григорьевич **Угловга** — ўпка касалликларини хирургия йўли билан даволашнинг оригинал методларини ишлаб чиққанликлари ва медицина практикасига кенг жорий қилганликлари учун.

7. СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси Николай Васильевич **Коноваловга** — 1960 йилда эълон қилинган «Гепато церебрал дистрофия» деган илмий асари учун.

### II.

Техника соҳасидаги энг кўзга кўринган ишлар учун 1961 йилги Ленин мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

1. «Краснодарнефтегеофизика» трести конторасининг бошқарувчиси Георгий Дмитриевич **Ильинга**, шу трестнинг бош геологи Марк Романович **Пустильниковга**, «Краснодарнефтеразведка» трестининг бошқарувчиси Константин Филиппович **Кожемякинга**, шу трестнинг бош геологи Константин Иванович **Кийкога**, Краснодар Халқ хўжалиги кенгаши нефть ва газ саноати бошқармасининг бош геологи Сергей Тихонович **Коротковга**, геология-минералогия фанлари доктори Андрей Владимирович **Ульяновга** — Краснодар ўлкасида газ тўпланган йирик манбаларни топганликлари ва текшириб аниқлаганликлари учун.

2. Бутуниттифоқ металлургия машинасозлиги илмий тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик институтининг ходимлари — директор ўринбосари, техника фанлари кандидати Александр Дмитриевич **Кузьминга**, сектор бошлиғи Евгений Александрович **Жукевич-Стошега**, бўлим бошлиғи, техника фанлари кандидати Николай Иванович **Крилова**, Жанубий Урал машинасозлик заводининг бош инженери Борис Федорович **Кулика**, Урал оғир машинасозлик заводи конструкторлик бюросининг бошлиғи Михаил Иванович **Анфимовга**, металлургия заводларининг лойиҳаловчи давлат иттифоқ институти «Гипромез»нинг сектор бошлиғи Александр Васильевич **Истоминга**, СССР Министрлар Совети Автоматлаштириш ва машинасозлик давлат комитетининг бош мутахассиси Николай Андреевич **Риженкога**, Бутуниттифоқ электромеханика илмий тадқиқот институтидаги конструкторлик бюросининг бўлим бошлиғи Николай Афанасьевич **Тишченкога**—«Узлуксиз тайёрлайдиган 850—700—500 типовой станини яратганликлари ва мавжуд тайёрлаш станларининг иш унумини оширганликлари учун.

3. Соат станоксозлиги махсус конструкторлик бюросининг ходимлари — иш раҳбари, бош конструктор Григорий Иванович **Неклюдовга**, етакчи конструктор Борис Сергеевич **Андреевга**, бош инженер Евгений Федорович **Чучинга**, 2-Москва соат заводининг директори Николай Николаевич **Волковга**, шу заводнинг слесарь-механиги Василий Иванович **Шадиловга**, С. М. Киров номидаги 1-Москва соат заводининг слесарь-механиги Виталий Михайлович **Кудрявцевга** — соатлар ишлаб чиқариш учун автоматлаштирилган ускуналар яратганликлари ва жорий қилганликлари учун.

4. В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ электротехника институти лабораториясининг бошлиғи, техника фанлари кандидати Григорий Рафаилович **Герценбергга** — қудратли гидро генераторлар ва синхрон компенсаторлар учун кучли ҳаракат туғдирувчи автоматик регуляторларни ишлаб чиққанлиги ва жорий қилганлиги учун.

5. Геология-минералогия фанлари кандидати Энвер Назарович **Алихоновга**, «Артемнефть» нефть кони бошқармасининг бошлиғи Аббос Али Мамед ўғли **Биландарлига**, «Гюрганнефть» нефть кони бошқармасининг бош инженери Бахман Абиш ўғли **Гажиевга**, Озарбайжон нефть чиқариш илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари Мамед Жавод Сулаймон ўғли **Қосумзодага**, давлат илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институти «Гипроморнефть» институти директорининг ўринбосари, техника фанлари доктори Исрофил Пири ўғли **Қулиевга**, шу институтнинг бўлим бошлиғи Давид Константинович **Мзареуловга**, «Азнефть» бирлашмаси бош геологининг ўринбосари Миркозим Мираҳат ўғли **Мамедовга**, «Азморнефтестрой» трестининг бош инженери Завен Иванович **Мелик-Тангиевга**, Озарбайжон ССР Фанлар академияси кимё институти лабораториясининг раҳбари, техника фанлари доктори Всеволод Федорович **Негреевга**, Озарбайжон ССР фанлар академиясининг нефть ва газ конларини ишлаб чиқиш институти директорининг ўринбосари, геология-минералогия фанлари кандидати Фуод Иброҳим ўғли **Самедовга** — Озарбайжон ССРда денгиз нефть конларини комплекс равишда ўзлаштирганликлари учун.

6. «Калининуголь» трести 4-шахтасининг ходимлари — шчит участкасининг собиқ бошлиғи Владимир Данилович **Будковга**, кон ишчиси Дмитрий Сидорович **Кудиновга**, участка бошлиғи Василий Ермолаевич **Сироткинга**, «Шчекинуголь» трести шахта бошқармасининг бошлиғи Абрам Иосифович **Гиллерга**, «Сталиногорскуголь» трести 38-шахтасининг собиқ бош инженери Лев Александрович **Зиглинга**, Лаптев кўмир машинасозлиги заводининг бош инженери Александр Елизарович **Ильинга**, шу заводнинг етакчи конструктори Виталий Иванович **Русаковга**, «Тулауголь» комбинатининг собиқ бошлиғи Иван Маркович **Кратенкога**, шу комбинатнинг бош инженери Павел Николаевич **Пермяковга** — Тула иқтисодий маъмурий районидаги шахталарда тозалаш ишларини комплекс механизациялаш воситаларини яратганликлари ва ишлаб чиқаришга жорий этганликлари учун.

7. Лениногорск полиметалл комбинатининг ходимлари — комбинат директори, иш раҳбари Иосиф Михайлович **Малкинга**, старший инженер-конструктор Валентина Николаевна **Бублисга**, ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи Дмитрий Сергеевич **Кутузовга**, комплекс бригада бригадири Павел Кириллович **Халинга**, Қозоғистон ССР халқ хўжалиги кенгаши раисининг ўринбосари Вениамин Григорьевич **Березега**, Қозоғистон ССР фанлар академияси кон ишлари институтининг ходимлари — институт директори, техника фанлари доктори Алихон Чужебаевич **Мусинга**, бўлим раҳбари, техника фанлари кандидати Олой Нуспекович **Жақупбоевга**, Зряновск комбинатининг бош инженери Алексей Степанович **Травниковга** — Лениногорск полиметалл комбинати конларида мажбурий блоклаб қулатиш системасини ишлаб чиққанликлари ва жорий қилганликлари учун.

8. «Таллинстрой» трести темир бетон буюмлар заводининг бош инженери Пауль Рейнхольдович **Вейгелга**, «Челябметаллургстрой» трестининг бошқарувчиси Александр Константинович **Гайдукка**, шу трест қурилиш марказий лабораториясининг ходимлари — лаборатория бошлиғи Тимофей Константинович **Гладковскийга**, экспериментал цех ишчиси Иван Михайлович **Илюхинга**, техника фанлари кандидати, Львов политехника институтининг доценти Юрий Иванович **Лозовойга**, СССР Қурилиш ва архитектура академияси Урал филиали раҳбарининг вазифасини бажарувчи Александр Александрович **Марченкога**, шу филиалга қарашли темир-бетон конструкциялар лабораториясининг ходимлари — раҳбар вазифасини бажарувчи Борис Яковлевич **Рискиндга**, бош инженер вазифасини бажарувчи Валентин Николаевич **Маслинниковга**, СССР Қурилиш ва архитектура академияси экспериментал лойиҳалаш-илмий тадқиқот институтининг бўлим раҳбари, техника фанлари кандидати Армен Карапетович **Мкртумянга**. Главмоспромстрой материал-илмий тадқиқот институти йиғма-темир-бетон конструкциялар лабораториясининг мудири, техника фанлари кандидати Эммануил Генрихович **Ратцга** — саноат ва граждан қурилиши учун ишлатиладиган барвақт зўриқтирилган темир-бетон конструкциялар арматураларини (электр билан қиздириб) таранглашнинг янги технологиясини ишлаб чиққанликлари ва ишлаб чиқаришга жорий қилганликлари учун.

9. Краснодар озиқ-овқат саноати институтининг ўқитувчилари—қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Георгий Герасимович **Агабальянца**, техника фанлари кандидати, доцент Артемий Арутюнович **Мержанианга**, Москва шампань винолари заводининг директор-бош инженери, техника фанлари кандидати Сергей Алексеевич **Брусиловскийга** — технология процессини автоматлаштирган ҳолда узлуксиз оқим билан шампань винолари ишлаб чиқаришнинг биохимик ва физик-кимё методларини ишлаб чиққанликлари ва саноатга жорий қилганликлари учун.

*ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДА ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА*

## Адабиёт, журналистика ва публицистика ҳамда санъат соҳасида энг кўзга кўринган муваффақиятлар учун Ленин мукофотлари бериш тўғрисида

Адабиёт ва санъат соҳасида Ленин мукофотлари комитети адабиёт, журналистика ва публицистика ҳамда санъат соҳаларидаги энг кўзга кўринган муваффақиятлар учун 1961 йилги Ленин мукофотларини қуйидагиларга беришга қарор қилди:

**АДАБИЁТ СОҲАСИДА:**

1. Александр Андреевич **Прокофьевга** — «Саёҳатга таклиф» шеърлар китоби учун.

2. Михаил Афанасьевич **Стельмахга** — трилогия: «Нон ва туз» романи, «Одам қони — сув эмас» романи, «Улкан қариндош» романи учун.

3. Александр Трифонович **Твардовскийга** — «Ийроқ-ийроқлар» поэмаси учун.

**ЖУРНАЛИСТИКА ВА ПУБЛИЦИСТИКА СОҲАСИДА:**

1. Иоханнес Юрьевич **Смуулга** — Антарктика сафари кундалиги — «Муз китоб» учун.

**САНЪАТ СОҲАСИДА:**

1. Евгений Александрович **Мравинскийга** — концерт-ижрочилик фаолияти учун.

2. Вера Николаевна **Пашеннаяга** — давлат академик Малий театридаги «Васса Железнова» ва «Тош уя» спектакларида Васса Железнова ва кекса уй бекаси Нискавуори ролларини ижро этганлиги учун.

3. Борис Иванович **Пророковга** — «Бу такрорланмаслиги лозим» деган суратлар серияси учун.

4. Святослав Теофилович **Рихтерга** — концерт-ижрочилик фаолияти учун.

5. Мартирос Сергеевич **Сарьянга** — «Менинг ватаним» деган картиналар цикли: «Арманистон», «Туманян тоғларидаги Каринж қишлоғининг колхози», «Арарат водийсида пахта терими», «Лалвар», «Арарат водийсининг Двиндан кўриниши», «Араратнинг Двиндан кўриниши», «Бюракан» учун.

6. Режиссёр ва сценарий автори Григорий Наумович **Чухрайга**, сценарий автори Валентин Иванович **Ежовга** — «Солдат қиссаси» бадиий фильми учун.

## САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

МОСКВА, 20 апрель. (ТАСС). Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев ўртоқлар билан Польша Халқ Республикаси раҳбарлари Владислав Гомулка, Александр Завадский ва Юзеф Циранкевич ўртоқлар СССР билан Польша ўртасидаги дўстлик, ўзаро ёрдам ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг 16 йиллиги муносабати билан бир-бирларига табрик телеграммалари юбордилар.

Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев ўз телеграммасида Совет-Польша шартномаси имзоланганидан буён ўтган урушдан кейинги ўн олти йил Совет Иттифоқи ва Польша Халқ Республикаси халқлари учун энг самарали ҳамкорлик йиллари, қардошларча дўстлик мустаҳкамланган ва яшнаган йиллар бўлди, деб таъкидлайдилар.

В. Гомулка, А. Завадский ва Ю. Циранкевичнинг телеграммасида социалистик интернационализмнинг ленинча принципларига, идеялар ва мақсадларнинг умумийлигига асосланган Польша-Совет муносабатлари 16 йил мобайнида ҳамма соҳаларда тобора кенгайиб ва мустаҳкамланиб борди ҳамда Европанинг тинчлиги ва хавфсизлиги ишида муҳим фактордир, деб таъкидланади.

* * *

КПСС Марказий Комитети Германия Бирлашган социалистик партияси ташкил топган кунининг 15 йиллиги муносабати билан Германия Бирлашган социалистик партиясини ва унинг Марказий Комитетини, Германия Демократик Республикасининг ҳамма меҳнаткашларини қизғин табриклади.

КПСС Марказий Комитети ўз табригида Германия Бирлашган социалистик партиясининг раҳбарлигида Германия Демократик Республикаси милитаризмга ва реваншизмга қарши, ҳамма халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик учун курашда немис халқи барча прогрессив кучларининг енгилмас таянчига айланди, деб таъкидлайди.

# ЛЕНИН ҲАМИША БАРҲАЁТ,

## ИЛЬИЧ ШУЛАРНИ ОРЗУ ҚИЛГАН ЭДИ

Бўш вақтларимда баъзан қадрдон шаҳримизни кезишни яхши кўраман. Ёш, новқирон социалистик Бекобод тинмай ўсмоқда, камол топмоқда. Ҳар сафар айланганимда, бирор янгиликка албатта кўзим тушади. Ўрта Осиёдаги қора металлургиянинг тўнғич корхонаси бўлган бизнинг заводимиз савлат билан қад кўтариб турибди. Ана у ерда Ленин декрети асосида қурилган Хильково цемент комбинати. Яна узоқроққа назар ташлайман. Ана улкан нур манбаи — Фарҳод ГЭСи. Яқинда шаҳримизда яна икки катта корхона — темир-бетон буюмлари ва ғишт заводлари ишга туширилди.

Шунда ҳаёл суриб қоламан, бутун республикамни кўз олдимга келтираман. Тошкент машинасозлари ва тўқимачилари, Оҳангарон шахтерлари, Чирчиқ кимёгарлари Олмалиқ кончилари, Янгийўл... ва яна қанчадан-қанча саноат марказлари кўз олдимда бирма-бир намоён бўлади.

Ҳа, республикам индустриясининг қудрати зўр. Фақат Шарқдагина эмас, балки Ғарбдаги кўпгина тараққий этган мамлакатларнинг ҳам бизга ҳаваси келади.

Ким эдигу, ким бўлдик! Илгари саноати деярлик йўқ бўлган Ўзбекистон бугун ўзининг турли хил мураккаб машиналари, механизмлари, аппаратуралари ва бошқа техникалари билан бутун дунёга ном таратди.

Улуғ отамиз Ленин Шарқдаги Совет республикаларини худди ана шундай гуллаб-яшнаган, бутун Шарққа социализм машъали бўлиб нур таратаётган ҳолда кўришни орзу қиларди. У орзу қилган кунлар келди. Ленин кўрсатиб берган йўлдан оғишмай бориб, шонли партиямиз раҳбарлигида бутун мамлакатимиз каби республикамиз қиёфасини ҳам тубдан ўзгартириб юбордик. Мамлакатдаги барча миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб, худди туғишган ога-инилардек, опа-сингиллардек ягона мақсад йўлида ўзининг олий мақсади — коммунизм сари дадил бормоқда.

Қани энди улуғ раҳнамомиз, бизларни шу ишга ундаган, тараққиётнинг кенг ва тўғри йўлига олиб чиққан Ильич бир нафасга бўлса ҳам ана шу қўлга киритган ютуқларимизни кўрса эди, қанчалар қувонарди! Ленин ғоялари ҳамон бизга илҳом бахш этмоқда, бизни галабадан-галабага етакламоқда.

**С. НУРИДДИНОВ,**
**Бекободдаги В. И. Ленин номли металлургия заводининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.**



В. И. Ленин Н. К. Крупская билан ўзаро суҳбатлашмоқда. ТАСС фотохроникаси.

## Чўлга баҳор келди

Мирзачўлнинг қадимги қиёфаси ҳақида кўп эшитгансиз. Одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган ўша жазирама чўл ўрнида ҳозир ажойиб боғлар, бадавлат колхоз ва совхозлар ташкил қилинган. Ҳали бу ҳам хамир учидан патир. Яқин йиллар ичида Мирзачўл шундай бир диёрга айланадики, уни Ўзбекистоннинг янги Фарғонаси дейсиз, ўшанда.

Ҳозирги кунда бутун чўл бўйлаб улкан қурилишлар боряпти. Чўлнинг ҳамма ерида янги ер очаётган, каналлар қазиётган, катта-катта мелиорация иншоотларини тиклаётган кишиларни кўрасиз. Олимларимизнинг ақл-идроки билан яратилган улкан, забардаст техниканинг хили ҳам, сони ҳам кўп бу ерда.

В. И. Ленин Мирзачўлнинг гуллаган водига айланишини орзу қилган эди. Доҳининг орзулари амалга ошмоқда. Ҳозирги кунда чўлда юз бераётган катта ўзгаришларни, чўл қуваётган қаҳрамонларнинг ғайрат-шижоатини таъкидлаш учун бизнинг бошқарма ишларини қисқача таърифлаб ўтиш кифоя қилади.

Ўтган йили «Голодностепгэсстрой» коллективи жуда катта вазифани бажарди. Салкам 400 минг гектар ерни сув билан таъминлай оладиган Жанубий Мирзачўл каналининг биринчи навбат қурилиши тугалланди. Ҳозир бу каналнинг 93 километрида асрлар бўйи қақраб ётган чўлга об-ҳаёт оқмоқда.

Бошқармамиз ишчи ва хизматчилари айни шу кунларда Жанубий Мирзачўл каналининг қирғоқларини дамбалаш ишларини бажармоқдалар. Белгиланган план бўйича биз дамбалаш юзасидан 8 миллион кубометр тупроқ ишларини бажаришимиз керак. Мавжуд имкониятларга қараганда, бу ишнинг бир қисми 1962 йилнинг биринчи ярмига ҳам қолади. Бироқ, биз чўлни тезроқ ўзлаштириш, илгари сира экилмаган ерларни сув билан маъмур қилиш ғоят муҳим вазифа эканини тушунамиз. Шунинг учун бу вазифани шу йилнинг ўзидаёқ тўла бажаришга қарор қилдик.

Ўтган йили Янгиер шаҳрининг марказида ҳамма қулайликларга эга бўлган бозор, каттагина касалхона, пландан ташқари 2800 квадрат метр уйжой бинолари қуриб, уларнинг ҳаммасини фойдаланишга топширдик. Бу йил 100 ўринли касалхона, 536 бола ўқийдиган уч қаватли ўн бир йиллик мактаб биноси, 12 километрлик канализация ва шунга ўхшаган бир қанча бино ҳамда иншоотларни қурмоқчимиз.

Бизда бетонлаш ишлари катта ўрин тутади. Бу ишга Тўхтасин Жўрабоев ва Тоҳир Тухфатуллин ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар жалб қилинган. Ҳар иккала бригада аъзолари чўлда пахта майдонлари, боғлар, бугдойзорларни тез фурсат ичида беқиёс кўпайтириш мақсадида белни маҳкам боғлаб меҳнат қилмоқдалар. Бетонлаш ишлари плани ой сайин ортиғи билан бажарилмоқда.

Мирзачўлда ана шундай катта ишлар боряпти. Ҳозирги Янгиер шаҳри ўрнидан илгари ўтган кишилар бу ерда қупқуруқ даштдан бошқа нарсани кўрмас эдилар. Ҳозир бу ерда ҳисобсиз манзарали дарахтлар, ёш мева ниҳоллари савлат тўкиб турибди. Хуллас, чўлга баҳор келди.

**Зиннат ҲУСАИНОВ,**
**«Голодностепгэсстрой» бошлиғи.**

☆

Мақсуд ШАЙХЗОДА.

## ИНЪОМ

Биз ажойиб Ҳинд элида кўп
йўллар юрдик.
Филни миниб секин кездик
Жойпур тоғини.
«Филлар ғори» оролида
маймунлар кўрдик.
Қайиқларда сайр айладик
Ганг қирғоғини...
Булар бари ғоят қизиқ, ғоят
ғалати.
Аммо, балки, йиллар ўтиб
унутилади.

* * *

Султонларнинг даргоҳлари
музайян саҳна.
Мақбарларда марсиялар
мармарда ўйиқ.
Таваккалчи бутхоналар
дунёдай қўҳна.
Аждар-илон, яшил тўти,
қизиқчи айиқ...
Булар бари ажойибот,
ғоят ғалати,
Аммо, балки йиллар ўтиб
унутилади.

* * *

Шофер Кумар яхши хизмат
қилгани учун —
Сийлов дея узга бермоқ
бўлдик мукофот.
Кумар бўлса, имо қилиб
юрагин — тўшин
Ленин тушган значекни
сўради фақат.
Афтидан бу сурат унга бир
умрлик бас.
Йиллар ўтар, бу воқеа ҳеч
унутилмас!...

1961 йил 21 апрель.

# КОЛХОЗИМИЗ ГУЛЛАБ-ЯШНАЯПТИ

Бизнинг колхоз жойлашган ерлар бир вақтларда тўқайзор ва ажриқзорлардан иборат эди. В. И. Ленининг Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақидаги декретига амал қилиниб, улуғ доҳий номи билан шу ерда қишлоқ хўжалиги артели тузилган эди.

Колхозимиз ташкил топган йилдан бошлабоқ маҳсулот етиштириш жиҳатидан ўсаборди, маданий жиҳатдан юксалаборди. Айниқса, кейинги йилларда улуғ Ленин тузган Коммунистик партиямизнинг доно раҳбарлиги остида хўжалигимиз яна ҳам барқ уриб ривожланаётир. Ҳозир колхоз қишлоғимизда 2 клуб, 5 та мактаб, битта туғруқхона, 4 та медицина пункти ишлаб турибди. Бу йил спорт майдончаси ташкил қилинди. Колхозчи хонадонларимизнинг барчаси электр нурлари билан таъмин этилган. Бу йил водопровод линияларини 8 километрга узайтиришни мўлжалладик. Яна 300 кишилик ёзги клуб, 5 дала шийпони, 15 та турар-жой бинолари қурилаяпти.

Колхозимизда боғу-роғларни яна ҳам кўпайтираётирмиз. 40 гектар ерда узумзор ва 9 гектар ерда олмазоримиз бор. Соҳибкор боғбонларимиз йил сайин мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлаётирлар. Бу йил навбаҳор кириши билан яна кўплаб турли мева кўчатларини эктик.

Хўжалигимиз пахта, чорва ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан олинадиган ҳосилдорликни тобора ошираётганлиги туфайли катта даромад олаётир. Ўтган йили 15 миллион сўм даромад қилдик. Бу йил эса янги пул ҳисобида 200 минг сўм даромад қилиш учун барча ички резервлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқламиз.

Колхозимизда оммавий-сиёсий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Ўртоқ М. Раҳимова раислик қилаётган хотин-қизлар совети колхозчи аёлдар ўртасида катта ишларни амалга ошираяпти. Колхозимизда 150 та пенсионер бор. Колхоз правлениеси уларни моддий жиҳатдан етарли миқдорда таъминлаб турибди. Болалар яслисида 400 га яқин ўғил-қизларимиз тарбияланмоқда.

Колхозимизнинг энг асосий тармоғи пахтачилик ҳисобланади. Шунинг учун асосий эътиборимизни ана шу тармоқни ривожлантиришга қаратганмиз. Ўтган йили 1850 гектар ерга чигит экиб ҳар бир гектаридан ўрта ҳисобда 23 центнердан пахта ҳосили йиғиб олдик. 500 гектар ердаги пахтани машиналар ёрдами билан териб олдик. Колхозимиз пахтакорларининг бу йилги аҳдлари ўзгача. Ҳозир ерларимизга асосан 60x50, 60x60 схемаларида чигитни квадрат-уяваб экяпмиз. 320 гектар майдонга чигитни белгиланган миқдорда ташлайдиган сеялкалар ёрдами билан экамиз. Бу йил давлатга 5100 тонна «оқ олтин» сотамиз, шунинг 1200 тоннасини фақат машиналар ёрдами билан териб оламиз. Чигит экиш ишлари авж олдирилган шу кунларда айниқса С. Ғофуров, Х. Абдураимов ўртоқлар бошчилик қилаётган юқори ҳосилли бригадаларнинг аъзолари жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётирлар.

Бизни шунчалик муваффақиятларга эриштирган, ҳаёт фаровонлигимизни юксалтирган улуғ доҳимиз В. И. Лениндан ва у тузган Коммунистик партиядан чексиз миннатдормиз.

**Назира ИУЛДОШЕВА,**
**Сирдарё районидаги Ленин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.**

«Доҳи Ленин яшаганидек дунёда,
Яшаймиз деб онт ичамиз».

Бу шеърни бўйнида қипқизил галстуги ҳилпираб турган Ботир айтарди. Унинг жаранглаган овози бутун зални ларзага келтирарди. Қарсак, олқишлар... Ботир кетидан Жумадулла минбарга чиқади. У «Ленинга» шеърини мароқ билан ўқиб беради. Муяссар бўлса «Ленин биз билан» шеърини шундай айтадики, тамошабинлар бениҳоя хурсанд бўладилар. Шундан сўнг Ленин авлодлари «Ватан» маршини бошлаб юборадилар. Сборнинг музика қисми бошланади. Бу бахтиёрлар республика музика мактаб-интернатининг талабалари. Улар буюк доҳи Ленин туғилган куннинг 91 йиллик юбилейига бағишланган сборни ана шундай нишонладилар.

# ДОҲИ ВАСИЯТИГА АМАЛ ҚИЛИБ

Интернатда ўқувчилар кучи билан Ленин кунига бағишлаб «Музикачилар овози» деган деворий газета чиқарилди. Лениннинг ҳаёти ва революцион фаолиятига бағишланган фотомонтаж тайёрланди. 6-синф ўқувчилари, моҳир қўллар тўгарагининг иштирокчиси Анвар Одилов билан Неъмат Орифжоновлар Лениннинг ёшлик чоғидаги сурати тепарагини нақш билан безаб, катта рамкали портрет тайёрладилар. Улар бу ишни шундай меҳр билан бажаришганки, кўриб кўзингиз қувнайди. Шу синф ўқувчилари Рихси Зокиров, Миргиёс Жовҳаров, Маҳмуд Совутовлар «Ленин васиятлари — бизнинг жанговар шиоримиз» темасида фотогазета ташкил этганлар. Унда Лениннинг «Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш» деган васияти зарҳал ҳарфлар билан ёзилган.

Республикамизда биринчи ташкил этилган бу музика мактаб-интернати дарҳақиқат буюк доҳи Ленин орзу қилган даргоҳдир, фарзандларимизнинг ҳам билим олиб, ҳам талантларини тарбия қиладиган музика ўчоғидир.

Тошкентнинг баҳаво жойларидан бири—катта Виставка кўчасини ёқалаб борсангиз, рўпарангиздаги уч қаватли муҳташам биноларга кўзингиз тушади. Бу бинолар жуда тез қад кўтарди. Қурилганда ҳам янги типда, соз қурилди. Ёруғ, кенг хоналар, зал, клубларнинг ҳаммаси дид билан безатилган.

Ойнаванд коридорлардан кўлларида жажжи музика асбобларини кўтариб олишган, бирам ширин, бирам ёқимтой ўғил болалар, қизалоқлар ўтиб боришади. Улар жуда қувноқ, юрганда ҳам куйлаб юрадилар.

— Туғма талантлар, — деб мақтайди уларни тарбиячилари.

Ҳа, бу авлод чиндан ҳам бахтиёр авлод, Ленин партияси ардоқлаб ўстираётган, замонамизнинг севикли фарзандлари.

Сбор ўтказилган муҳташам залда доҳийнинг бронзадан ишланган бюсти турибди.

Интернатдан узоқлашар экансиз, унинг очиқ деразалар и д а н эшитилиб турган кичик талантлар ижросидаги ёқимли куйлар кўнглингизни завқ-шавққа тўлдириб юборади.

**Ф. УСМОНОВА.**

# УЛУҒ ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА КОММУНИЗМ ҒАЛАБАЛАРИ САРИ ОЛҒА БОРАМИЗ

Маркс ва Энгельс таълимотининг ҳамда улар ишларининг буюк давом эттирувчиси, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ташкилотчиси, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси ва раҳбари — В. И. Лениннинг ўлмас номи бутун ер юзи бўйлаб ҳамма тилларда янграб эшитилмоқда.

Мамлакатимиз ишчилар синфи ва деҳқонлар оммасининг социалистик революцияга кўп йиллар давомида кўрган тайёргарлиги ва бу революциянинг 1917 йил октябрида жаҳоншумул-тарихий ғалабага эришганлиги В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолияти билан ҳамда у яратган янги типдаги жанговар марксистик партия билан чамбарчас боғлангандир. Партия ва халқ Ленин билан биргаликда Совет давлатига асос солдилар, уни ташқи ва ички душманлардан сақлаб қолдилар, сўнгра социалистик қурилишни авж олдириб юбордилар.

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида Лениннинг васиятларини амалга ошира бориб, тарихан қисқа муддат ичида СССРда социализмнинг ғалабасига эришди ва ҳозир муваффақиятли равишда коммунистик жамият қурмоқда.

Бизнинг барча ғалабаларимиз ва қўлга киритган муваффақиятларимиз, халқларимизнинг қонуний ифтихори бўлган нарсаларнинг ҳаммаси, — дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев, — Лениннинг номи билан боғланган бўлиб, улар Лениннинг ўлмас ғояларининг жонли ифодасидир.

Марксизм-ленинизмнинг абадий барҳаёт таълимоти амалий ишда тўла тасдиқланмоқда. Миллионларча кишиларнинг онгидан жой олган коммунизм қудратли моддий кучга айланди. Бу куч капитализмнинг кучлари билан яккама-якка олишувда ғолиб келмоқда. Европа ва Осиёнинг чексиз кенгликларида вужудга келаётган социалистик жамият инсониятнинг прогрессив тараққиётида сифат жиҳатидан бутунлай янги босқич пайдо бўлганлигидан дарак бериб турибди.

## I

Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи халқаро майдонда йирик қишлоқ хўжалигига, илғор фан ва маданиятга эга бўлган қудратли индустриал давлат сифатида кўзга ташланмоқда. Совет Иттифоқи социалистик ижтимоий тузумнинг буюк афзалликларини намойиш қилиб кўрсатаётир. Социализм лагеридаги бошқа давлатлар каби бизнинг мамлакатимизга ишлаб чиқариш анархияси, кризислар ва ишсизлик, очлик ва қашшоқлик мутлақо бегонадир. Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик, кишининг киши томонидан эксплуатация қилинищи, меҳнаткашларнинг сиёсий ҳуқуқсизлиги, ирқий камситиш — буларнинг барчаси биз учун узоқ ўтмиш бўлиб қолди.

Ватанимиз умумхалқ сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги ғоятда юксалган бир вазиятда КПСС XXII съезди сари олға бормоқда. КПССнинг XXII съезди партиянинг янги программасини қабул қилади, совет халқининг социализм ва коммунизм учун курашда қўлга киритган жуда катта муваффақиятларини умумлаштириб беради.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг еттийиллик планини вақтиллик билан бажариш коммунизмнинг моддий-техник базасини яратиш йўлида муҳим босқич бўлади. Етти йилликнинг дастлабки икки йили ичида саноат маҳсулотларининг ҳажми СССРда контроль рақамларда белгиланган 17 процент ўрнига 22,1 процентга кўпайди. 1960 йилда деярли 47 миллион тонна чўян, 65 миллион тоннадан ортиқ пўлат, қарийб 51 миллион тонна прокат ишлаб чиқарилди. Бу йил камида 71 миллион тонна пўлат эритилади.

В. И. Ленин, электрлаштириш асосида тараққий этадиган йирик саноат коммунизмнинг моддий-техник базаси бўлмоғи лозим, деб таълим берган эди. Ҳозирги кунда оғир индустриянинг қайси бир соҳасини олмайлик, ҳамма жойда катта ютуқларга эришилаётганини кўрамиз, ҳамма ерда техника прогресси учун кураш олиб борилмоқда.

Лениннинг мамлакатни ёппасига электрлаштириш тўғрисидаги ғояси ни амалга ошириш ишлари тугалланаётир. Совет ҳокимияти йилларида СССРда электр қуввати ҳосил қилиш 146 марта кўпайди. Халқ хўжалигини электр қуввати билан таъминлаш муттасил ўсиб боряпти. Саноат ҳамда транспортнинг ҳамма соҳаларида электр двигателлари пар билан ишлайдиган машиналарни бутунлай сиқиб чиқарди. Қишлоқ хўжалигида электр қувватини қўлланиш 1928 йилдаги 35 миллион киловатт-соатдан 1958 йилда 6.500 миллион киловатт-соатга ўсди. Ҳозирги еттийиллик ичида бу миқдор тахминан 4 марта ортади. Совхозлар, ремонт-техника станциялари, колхозлар ва ишчи посёлкаларининг ҳаммаси электрлаштирилади.

Ишлаб чиқариш воситаларини муваффақиятли равишда ривожлантириш ҳамда еттийиллик планларининг ошириб бажарилиши натижасида олинадиган пул жамғармалари партия ва ҳукуматга истеъмол воситалари ишлаб чиқарувчи саноатни янада кенгайтириш учун сарф қилинадиган капитал маблағларни кўпайтириш имконини беради.

Социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришилди. 1953 йил билан таққослаганда кейинги беш йил мобайнида мамлакатда товар-ғалла етиштириш ўрта ҳисобда 1 миллиард пуддан зиёд кўпайди. 41 миллион гектар майдондаги қўрик ва бўз ерларнинг ўзлаштирилганлиги совхозлар ва колхозлардаги меҳнаткашларнинг буюк жасорати бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми совет халқи олдига янги муҳим вазифа қўйди: қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг шундай даражасига эришмоқ керакки, натижада яқин йиллар ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш аҳолининг талабларидан юқори бўлсин. Пленум қишлоқ хўжалик техникаси, минерал ўғитлар ва қурилиш материаллари етказиб берадиган корхоналар қурилишига ажратилган маблағларни кўпайтиришга қарор қилди. Катта-катта ер массивларида ирригация ва мелиорация ишларини амалга ошириш юзасидан муҳим тадбирларни кўриш назарда тутилди. Колхоз ва совхозларнинг илғор тажрибаларини кенг ёйиш юзасидан катта ташкилотчилик ишлари авж олдириб юборилди.

В. И. Ленин қишлоқларга юз минг трактор юборишни орзу қилган эди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг социалистик далаларида 1,7 миллиондан ортиқ тракторлар ишлаб турибди. Еттийиллик ичида қишлоқ хўжалиги яна 1 миллиондан ортиқ тракторга, 400 мингга яқин ғалла йиғадиган комбайнларга ҳамда жуда кўп миқдорда бошқа машиналар ва асбоб-ускуналарга эга бўлади.

Бутун мамлакат бўйлаб партия Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорларини бажариш учун, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда янги марраларга эришиш учун актив равишда кураш кенг қулоч ёйди.

Еттийиллик планларини муддатидан илгари бажариш СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини — аҳоли жон бошига маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини ҳал қилишда олға қараб ташланган катта қадам бўлади. В. И. Ленин улуғ Октябрдан олдиноқ бу вазифанинг реаллигига чуқур ишонч ҳосил қилган эди, аммо чор Россиясининг иқтисодий жиҳатдан қолоқлигини ҳисобга олгани ҳолда, бу вазифани нисбатан узоқроқ бир мақсад қилиб қўйган эди. Эндиликда СССР саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми жиҳатидан Европадаги ҳамма капиталистик мамлакатларни орқада қолдириб кетди ва капитализмнинг энг қудратли мамлакати ҳисобланган АҚШни изма-из қувиб бормоқда. 1957—1959 йилларда СССРда саноат маҳсулотларининг йиллик ўсиши АҚШдагига нисбатан тахминан 2,4 марта кўп бўлди. 1960 йилда эса СССРдаги бу ўсиш АҚШдагига қараганда уч баравар кўпайди. Олдиндан қилинган ҳисобларга қараганда, СССР 1965 йилда ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан АҚШдан ўзиб кетади, тахминан 1970 йилда эса аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳам АҚШни орқада қолдириб кетади.

Коммунизмнинг кенг қулоч ёйган қурилиши даврининг характерли томони — меҳнаткашларнинг маданияти ва моддий фаровонлигини муттасил юксалтиришдан, совет демократиясини янада кенгайтиришдан, жамият ўртасидаги муносабатларда чинакам коммунистик асосларни ўрнатишдан иборатдир. В. И. Ленин биринчи галдаги вазифалардан бири деб ҳисоблаган маданий революциянинг амалга оширилганлиги натижасида совет фани ва техникаси бутун жаҳоннинг ҳурматига сазовор бўлди. Бизнинг мамлакатимиз ҳали ҳеч ким эриша олмаган муваффақиятларни қўлга киритди: Ернинг сунъий йўлдошларини орбитага олиб чиқди, планеталараро ракеталар ҳамда космик кемаларни учирди. «Восток» совет йўлдош-кемасининг ўз бортида космосни биринчи дафъа забт этган ажойиб қаҳрамон Ю. А. Гагаринни олиб учганлиги бу улкан муваффақиятларнинг энг каттаси бўлди. Бу эса коммунизм қураётган халқимиз ижодий генийсининг буюк муваффақиятидир. Бу социализмнинг улуғ яратувчилик куч-қудратини, унинг капитализмдан нечоғлик устун туриши ва катта афзалликларга эга эканлигини тўла намойиш қилиб кўрсатди.

СССРда жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган гражданларнинг 32 процента ўрта ва олий маълумотга эгадир. 1960 йилда бизда 52 миллиондан ортиқ киши турли хил ўқув юртларида таълим олди.

Мамлакатимизда ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи фонди, колхозчиларнинг даромадлари, товар оборот ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Еттийилликнинг икки йили ичида аҳолига товарлар сотиш плани белгиланган 15,4 процент ўрнига 19,6 процентга кўпайди. Шу давр мобайнида шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида 4 миллион 600 минг квартира, қишлоқ жойларда эса 1 миллион 400 мингдан ортиқ уйжойлар қурилди. Давлатнинг социал-маданий тадбирлар, халқ маорифи, медицина хизматига қиладиган сарф-ҳаражатлари кўпайиб бормоқда. Ишчи ва хизматчиларни қисқартирилган иш кунига ўтказиш тугалланди. Аҳолидан олинадиган солиқларни бекор қилиш ишлари изчиллик билан амалга оширилаётир.

Бизнинг жамиятимизда тақсимотнинг социалистик принципи меҳнаткашларнинг меҳнат туфайли яратилган нарсаларга бўлган моддий манфаатдорлиги ва оммавий ғайратини бир-бирига қўшиб юборади. В. И. Ленин, социализм ва коммунизм қурилиши ташаббус кўрсатиш ёрдами билан, шахсий қизиқиш ҳамда хўжалик ҳисоби асосида олиб борилмоғи лозим, деб таълим берган эди. Меҳнатга унинг сони ва сифатига қараб ҳақ тўлаш билан бирга, давлат меҳнат унумдорлигини юксалтириш, ходимларнинг малакасини ошириш, ишлаб чиқариш техникасини такомиллаштириш учун стимул беради.

Шу билан бирга, коммунизм учун кураш жараёнида меҳнатга бўлган маънавий стимуллар ҳам тобора кўпроқ аҳамият касб этади. Улар айниқса жамият фаолияти доирасида кўпроқ кўзга ташланиб туради. Маънавий стимуллар хўжалик, совет, касаба союзлари, маданий-оқартув ишлари, соғлиқни сақлаш, шунингдек совет қонунчилигини ҳамда социалистик жамиятнинг қонун-қоидаларини ўз ичига олади.

# ЛЕНИН ҲАМИША БИЗ БИЛАН

## ИЛЬИЧ НУРЛАРИ

Владимир Ильич Ленин ишлаб чиқариш жараёнларини электрлаштириш воситаси билангина мамлакат халқ хўжалигининг барча тармоқларини юксалтириш мумкинлигини таъкидлаб, мамлакатимизни ёппасига электрлаштиришни орзу қилган эди. Унинг ташаббуси билан СССР да социализм қуриш учун муҳим роль ўйнаган ГОЭЛРО плани тузилганига 40 йилдан ортиқ вақт бўлди. Ана шу ўтган давр ичида мамлакатимизда кўплаб электр энергияси манбаълари ишга солиндики, буни биргина Ўзбекистон мисолида ҳам кўриш мумкин. Республикамиз кейинги йиллар ичида мамлакатнинг энг йирик энергетика базаларидан бири бўлиб қолди.

Ўзбекистон ССРда қурилиб ишга туширилган Чирчиқ каскадлари, Фарҳод ГЭС, Оҳангарон ГРЭСи ва бошқа кўплаб электростанциялар республика саноати ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Ҳозирги даврда республика электростанцияларнинг деярлик ҳаммаси автоматлаштирилган, улардан кўпчилиги эса, телемеханика ёрдамида бошқарилмоқда.

Ўзбекистонда бой электроэнергия системасининг вужудга келиши республикада кимё, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, рангли металлургия, электротехника ва бошқа кўпгина саноат тармоқларини кескин суръатда ривожлантириш имконини берди.

Етти йилликда республикамиз энергетиклари жуда катта ва масъулиятли вазифаларни амалга оширмоқдалар. Бухоро табиий гази билан ишлайдиган янги ГРЭСлар қурилмоқда. Шу йил январь ойидан бошлаб қуришга киришилган Тошкент ГРЭСи ана шундай электростанциялардан биридир.

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз территориясида қурилаётган бу янги ГРЭС Ўзбекистонда энг йирик электр манбаъларидан бўлиб, унинг умумий қуввати бир миллион 200 минг киловатт энергияга эга бўлади.

Электростанция асосан очиқ типда қурилади. Қурилишнинг генерал планига мувофиқ электростанция территориясида бир неча заводлар, жумладан, бетон заводи, цемент заводи ва бирлашган темир-бетон майдони ҳам қурилади. 1962 йилнинг охирига бориб станциянинг 150 минг киловатт энергия қувватига эга бўлган биринчи агрегати ишга туширилади. 1967 йилнинг охирига бориб эса станция қурилиши тамоман ўзлаштирилиб, республикамиз бу манбаъдан 1 миллион 200 минг киловат электр энергиясини ола бошлайди.

Ҳозир бўлажак станция қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Янги ГРЭС хизматчилари учун турар-жой ва маданий-маиший муассасалар бинолари ҳам қурилаётир. 300 кишига мўлжалланган ошхона, 60 кишилик чойхона, склад, электромонтаж устахонаси ва бошқа биноларнинг қурилиши тугай деб қолди. Ишчи ва хизматчиларнинг истиқомат қилиши учун станциянинг яқинида 18 квартирали уй фойдаланишга топширилди.

Республикамизда бу янги электростанциянинг қурилиши тугалланиб ишга туширилгач, янги-янги завод ва фабрикалар қурилади, колхоз ва совхозларни электр энергияси билан мўл-кўл таъминланади.

**Ш. ЯХЕЕВ.**
**Тошкент ГРЭСи қурилиши ходими.**

Суратда: В. И. Ленин ГОЭЛРО картаси ёнида (Советларнинг Умумроссия VIII съездида).
Рассом Л. А. Шматько суратидан репродукция.
ТАСС фотохроникаси.

## ДОҲИ ОЛҚИШЛАЙДИ

**Одамларга тўла кўча-ю**
**майдон,**
**Ифтихор ва севинч ўйнар**
**ҳар юзда.**
**Инсон фазо қучди!**
**Бош эгди осмон!**
**Мадҳимиз жаранги ҳатто**
**юлдузда!**
**Ҳар тилда космонавт—**
**элдош баҳодир,**
**Ҳар тилда элимнинг**
**мўъжиза нақли,**
**Кўринг, нималарга эмаскан**
**қодир**
**Бахтиёр инсоннинг заковат,**
**ақли!**
**Юзларда табассум.**
**Жилмаяр ҳатто**
**Мағрур қад кўтарган**
**Ленин хайкали.**
**Мамнун нигоҳ ташлар**
**майдонга доҳи,**
**Қўлин олға чўзган,**
**дер гўё: балли!**
**Доҳи олқишлайди**
**ракета асрин,**
**Қойил, дер элининг**
**мард ўғлонига.**
**Қойил, дер муҳташам**
**коммуна қасрин—**
**Шонини кенг ёйган**
**қаҳрамонига.**
**Ҳа, Ленин биз билан—**
**давра тўрида,**
**Зафарли юришга ўзи раҳнамо!**
**Ҳа, Ленин биз билан—**
**шодлик тўйида,**
**Унинг даҳосига бош эгар само!**

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА.

С. М. КИРОВ

## ИНСОНПАРВАР ВА ДЎСТ

### МАРКС ВА ЛЕНИН

Ленин Маркс асарларини магзи-мағзигача яхши билар эди. У ана шу буюк таълимотни ҳамма вақт, сидқидилдан ўрганиб борди ҳамда ўзининг куч ва кашфиётлари учун бу таълимотдан бир манба тариқасида фойдаланиб келди. У Маркс йўлидан борган буюк собит қадам эди.

Бу кишиларнинг яшаган замонлари ўртасида бутун бир давр ўтган. Маркс замонида капитал билан кураш эндигина бошланган эди. Ленин эса, революцион пролетариат синф бўлиб таркиб топган даврда яшади. Ленин Маркс таълимотини ривожлантирди...

### НАЗАРИЁТЧИ ВА АМАЛИЁТЧИ

Ленин 150 миллионлик халққа, хусусан деҳқонларга раҳбарлик қилганда, Ленининг амалиётчилиги унга ёрдам берди.

Чуқур назариётчиликни шу даража чуқур амалий иш билан боғлаб олиб бориш натижасида у жуда улкан, ажойиб бир революционер бўлиб етишдики, дунёда ҳали бундай революционер бўлган эмас.

Ленин Россияда капитализмнинг ривожланиш босқичларини жуда яхши билар эди. Ленин пролетариатнинг кичик бир тўдадан ва деҳқонларнинг эса жуда катта кўпчиликдан иборат эканлигини билар эди. 1905 йилда, буржуа революцияси кенгая бориб, кўпимиз гангиб қолган бир вақтда, Ильич деҳқонлар масаласини аниқ ва равшан қилиб қўйди. Ишчи-деҳқонлар иттифоқи зарурлиги онгимизга чуқур сингиб кетди. Социализмнинг чинакам намояндалари фақат ишчилар бўлиши мумкин эканлигига Ильич бир дақиқа бўлса-да шубҳаланмаган эди, лекин шу билан бирга у, пролетариат якка ўзи революция қилолмайди, пролетариат бу революцияни деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб туриб амалга ошира олади, деган хулосага келган эди.

### ЛЕНИН ВА ШАРҚ

Владимир Ильич фаолиятида унинг Шарқдаги мазлум миллатларга қизиқиб қараганлигини кўрсатиб ўтмоқ лозим. Ильич бизга бошқа соҳалардаги каби мазлум миллатлар масаласида ҳам кўп кашфиётларни очиб берди.

Агар рус мужиги Ленинни отам деса, қариқ, қора танли кишилар ва бошқа иркдаги ҳамма кишилар ҳам уни ўз отамиз дейдилар. Социализм учун жаҳон миқёсида олиб бориладиган курашда Ленин Шарқдаги жуда катта армияни назарда тутди.

Биз капитализм энди ривож топиб келаётган Шарқ мамлакатларида жуда зўр ҳаракат борлигини кўриб турибмиз. Шарқнинг революцион Шарққа айлана олишни фақат доҳий Ильичгина олдиндан кўра олди. Бу унинг буюк хизматидир.

### ЛЕНИН — ПАРТИЯНИНГ ТАШКИЛОТЧИСИ

Партиямизнинг тарихи — Ильичнинг ҳаёт ва фаолият тарихидир. Россия Коммунистик (большевиклар) партиясини тузишда Ленин ўзининг буюк ташкилотчи эканлигини кўрсатди. Бизнинг душманларимиз Лениннинг ақли расо эканлигига қойил бўлсалар ҳам, лекин унинг ташкилотчилик қобилиятини тан олмас эдилар.

Лениннинг башорат қила билиши, жуда ғайрат ва матонатли бўлиши, оппортунизмга қарши курашда раҳмсизлик билан иш кўриши бутун дунёда ғоят буюк партияни ташкил қилишига имкон берди. Бизнинг ажнабий душманларимиз ўзларининг энг ёвуз душмани — бизнинг ташкилотимиз эканлигини жуда яхши биладилар.

Бизнинг партиямизда мустаҳкам кишилар кўп, лекин Ленин синтари кишилар бўлган эмас. Ленин Коминтернга кирганлар олдига жуда қаттиқ шартлар қўярди. У партиямизни жуда ҳам нуфузли қилишга муваффақ бўлди.

Ильичнинг бу улкан ишлари қайд қилинган ҳужжатлар архивлардан олиналиган вақтлар ҳам келади. Лекин Ильичнинг буюк башоратчи эканлигини кўрсатадиган бошқа ҳужжатлар ҳам бор. У империалистик урушни ва Февраль революциясини олдиндан айтиб берди. Февраль революцияси бўлганда, Ильич: яна бошқа бир революция етилиб келмоқда, бу революция ишчи ва деҳқонларни инглиз ва француз капиталига қарши олиб боради, деб ёзди. У янглишмади.

Халқаро революцион ҳаракатни ўрганиш — Лениннинг ўзини ўрганишдир, деб айтмоқ мумкин.

## В. И. Ленин асарлари тўла тўпламининг ўн еттинчи томи

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти В. И. Ленин асарлари тўла тўпламининг ўн еттинчи томини нашр этди. Бу том КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти томонидан тайёрланган.

Бу томга Владимир Ильичнинг 1908 йил март ойидан 1909 йил июнь ойигача ёзган асарлари киритилди. Бу асарларда В. И. Лениннинг партияни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун олиб борган кураши акс эттирилган. В. И. Ленин шу асарларида биринчи рус революциясининг сабоқларини умумлаштиришни давом эттиради, синфий кучларнинг нисбатини таҳлил этади, аграр масаласини ишлаб чиқади, партиянинг янги шароитдаги вазифалари ва сиёсатини белгилайди.

Томга киритилган асарларда Лениннинг партия ичида ва халқаро майдонда оппортунизм ва ревизионизмга қарши олиб борган курашига, мустамлака ва қарам мамлакатлардаги миллий озодлик ҳаракати масалалари юзасидан большевизмнинг тутган позициясини асослаб беришга, милитаризмга қарши ва империалистик урушга қарши курашга катта ўрин берилган.

Ленин РСДРП нинг V Умумроссия конференцияси қарорларини 1905 — 1907 йиллар революцияси енгилганидан кейин Россиядаги ишчилар ҳаракати тараққиётида бурилиш нуқтаси деб ҳисоблади. Владимир Ильич «Йўлга» деган мақоласида ана шу конференциянинг якунларини тўплади, партияни ғоявий жиҳатдан жипслаштиришга, нолегал партия ташкилотларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашга даъват этди.

Ленин «Марксизм ва ревизионизм» деган мақоласида ва ана шу томга киритилган бошқа бир қанча асарларида II Интернационал оппортунистларининг назарияси ва тактикасини танқид қилди. «Марксизм ва ревизионизм» мақоласи халқаро коммунистик ҳаракатнинг ҳозирги замон реформизми ва ревизионизмига қарши олиб бораётган курашида жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу мақоладаги қоидалар ҳозирги замон ревизионизмининг моҳиятини ва унинг коммунистик ҳаракат сафларини бузиш йўлидаги уринишларининг формаларини яхшироқ билиб олишга ёрдам беради.

Лениннинг халқаро сиёсат ва мустамлака ҳамда қарам мамлакат халқларининг миллий озоллик ҳаракати масалалари ҳақида ёзган ва ўн еттинчи томга киритилган асарлари — «Жаҳон сиёсатида ёқилғи материали», «Урушқоқ милитаризм ва социал-демократиянинг антимилитаристик тактикаси», «Инглиз ва немис ишчиларининг тинч намойиши», «Болқонлардаги ва Эрондаги воқеалар», «Халқаро социалистик бюронинг мажлиси» номли асарлар жуда катта аҳамиятга эгадир.

В. И. Ленин ўз асарларида ўша йилларда жаҳон уруши хавфи ўсиб борганлигига ва бу уруш хавфи билан курашга катта эътибор берди.

В. И. Лениннинг асарлари тўпламига биринчи марта киритилган ўн икки ҳужжати ўн еттинчи томда нашр этилди. (ТАСС).

## ЭНГ АЗИЗ СИЙМО

Доҳи Лениннинг номи, унутилмас образи, ўлмас ғоялари совет кишиларининг кундалик ҳаётига жуда-жуда сингиб кетган. Чунки, қўлга киритаётган улкан ютуқларимиз, илм-фанимизнинг буюк равнақи—ҳамма-ҳаммаси буюк Ильич номи билан боғлангандир.

В. И. Ленин Шарқдан борган аёллар билан қилган суҳбатида бундай деган эди: «Клуб атрофига активларни кўпроқ тортиш керак. Активлар чинакам эрк истаганларни ўз кетларидан эргаштирадилар. Бу эса, келажакда Шарқ хотин-қизларидан кўплаб олимлар етишиб чиқишини таъминлайди». Лениннинг башорат қилиб айтган бу сўзлари ўз ифодасини топмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси миллионларча меҳнаткашларнинг чинакам онгли сиёсий фаолиятининг катта ифодаси бўлди. Улуғ Ленин таъбири билан айтганда, бу давр ўтмишда эзилган миллион-миллион кишиларнинг фикр ва ақл-идрокини уйғотган, жонли иш учун, кишилик иши учун, тарихий янги ҳаётни ижод этиш учун уйғотган давр бўлди. Бу давр, шунингдек хотин-қизлар учун ҳам катта бахт ва истиқбол келтирди.

Эндиликда халқ хўжалигининг бирон соҳаси йўқки, унда хотин-қизлар коммунизм қурилишининг иштирокчиси сифатида қатнашмаётган бўлса. Шараф ва қаҳрамонлик иши бўлиб қолган меҳнат—оддий ўзбек хотин-қизларининг ижодкорлар эканини намойиш қилди. Ўтмишда остона хатлаб кўчага чиқиш нима эканлигини билмаган аёлларимиз бугунги кунда катта муъжизалар яратмоқда, фан ва техникамизни янги-янги кашфиётлар билан бойитмоқда.

Ҳа, совет кишиси жаҳонда биринчи бўлиб космоса парвоз қилди. Бунда фан ва техниканинг равнақи яна бир бор ўз ифодасини кўрсатди. Космосни забт этиш соҳасида бирин-кетин қўлга киритилаётган улкан ютуқлар, шубҳасиз Ленин ғояларининг ёркин тантанаси ҳисобланади.

Республикамиз олимлари ҳам барча совет кишилари қатори Ленин ғояларини дилга жо қилиб, жонажон Коммунистик партиямизнинг XXII съездига муносиб туҳфалар ҳозирлайдилар.

Лениннинг улуғ номи ҳамиша қалбимизда яшайди.

**М ХОЖИНОВА,**
**Тошкент тўқимачилик институтининг директори, техника фанлари доктори.**

Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига яқинда бўлиб ўтган сайловлар юз минглаб янги совет гражданларини давлатни бошқаришга, халқ манфаатлари йўлида янада кўпроқ ва астойдил хизмат қилишга жалб этди, шунингдек совет демократиясининг тантанасини яна бир марта ёркин намойиш қилиб кўрсатди. Ҳамма республикалар бўйича сайловчиларнинг 99 процентдан кўпроғи овоз беришда қатнашди. Улар коммунистлар ҳамда партиясизлар блокининг кандидатларини бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

Совет халқи ўзининг фидокорона меҳнати ва келажакка дадиллик билан янги йўл очаётган Коммунистик партиясининг доно раҳбарлиги туфайли коммунизм учун курашда ажойиб муваффақиятларни қўлга киритди. Улуғ Лениннинг васиятларига содиқ бўлган партия омманинг ижодий тажрибаларини чуқур ўрганмоқда ва умумлаштирмоқда, коммунистик қурилиш назарияси ва практикасининг энг муҳим проблемаларини изчиллик билан ишлаб чиқмоқда. Коммунистик партия билан халқ ўртасидаги яқиндан ўрнатилган ва сира бузилмас алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётир. Партиянинг жуда кўп вакиллар иштирок этадиган съездлари ва КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари, партия ва совет активларининг кенгашлари бундан далолат беради. Кейинги вақтларда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалик илғорлари зонал кенгашларининг ўзидаёқ 25 мингдан ортиқ киши иштирок этди. Совет халқи ўзининг эзгу манфаатларини ифодаловчи жонажон партиясига зўр ишонч билан қарайди ҳамда бу партиянинг ички ва тинчликсевар ташқи сиёсатини актив равишда қўллаб-қувватламоқда.

### II

Ленинизм ғояларининг буюк тантанаси Совет Иттифоқи, шунингдек жаҳон социализм системасидаги ҳамма мамлакатлар қўлга киритган муваффақиятларни ифода этади. Халқ демократияси мамлакатларининг ҳозирги даврдаги ҳолатининг характерли томони шундан иборатки, Хитойда, Чехословакияда, Венгрияда, Болгарияда ва бошқа давлатларда социализм турмушнинг ҳамма соҳаларида ҳал қилувчи позицияларни эгаллаб олди. 1959 йилда социалистик мамлакатларнинг саноат ишлаб чиқариши урушгача бўлган даврдагига нисбатан олти мартадан кўпроқ ўсди. Бунда миллий даромаднинг 71,5 процентдан то 100 проценти социалистик сектор ҳиссасига тўғри келади.

Социалистик мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар қардошларча дўстлик ва бир-бирига ўртоқлик ёрдами кўрсатишга асосланган дир. Масалан, Совет Иттифоқи деярли 500 та саноат корхоналари қуришда социализм мамлакатларига ёрдам қилди, 7,8 миллиард сўмлик (янги нархларда) заёмлар ва кредитлар берди, 30 мингга яқин техника ҳужжатлари комплектини уларга топширди. Илмий-техника тажрибаларини ўзаро алмашиш, мутахассислар юбориб ёрдам кўрсатиш, кадрлар тайёрлаш, саноат асбоб-ускуналари етказиб бериш — буларнинг ҳаммаси социалистик мамлакатларнинг тараққиёт суръатини тезлаштиради, уларнинг экономика даражасидаги тафовутни йўқотишга ёрдам қилади.

Жаҳон социализм системасидаги мамлакатлар ўртасида меҳнат тақсимоти планли равишда, хўжаликнинг айрим соҳаларини ривожлантиришни координация қиладиган кўнгилли битимлар асосида амалга оширилади. Бу битимларда 1961—1965 йилларда товар оборотини 60—90 процентга кўпайтириш назарда тутилгандир.

Социализмнинг куч-қудрати ва енгилмаслиги сўнгги ўн йиллар ичида янги ва эски дунё ўртасида бўлиб ўтган жуда катта олишувларда исбот қилинди. Икки дунё ўртасидаги ҳозирги иқтисодий мусобақа кескин кураш асосида бораётир. Социалистик мамлакатлар ишлаб чиқарган саноат маҳсулотларининг ҳажми 1957 йилдан 1959 йилгача бўлган давр ичида 37,1 процент кўпайди. Капиталистик мамлакатларда эса бу миқдор шу давр ичида атиги 7,4 процент ошди. Худди шу давр мобайнида СССРнинг саноат ишлаб чиқариши 23 процент кўпайди, АҚШда эса фақат 4,6 процентга ортди. Орадан яна бир неча йиллар ўтгач, социалистик мамлакатлар капиталистик экономиканинг ҳозирги даражасидан умуман ўзиб кетадилар, сўнгра эса уни жуда орқада қолдириб кетадилар.

**«Давримизнинг асосий хусусияти шундан иборатки,** — дейилади коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгаши қабул қилган Баёнотда, — **жаҳон социалистик системаси кишилик жамияти тараққиётининг ҳал қилувчи факторига айланиб бормоқда».**

Социалистик мамлакатларнинг моддий бойликлар ишлаб чиқариш соҳасида эришган муваффақиятлари, дунё қиёфасини сира таниб бўлмас даражада ўзгартириб юбораётган халқаро коммунистик ҳаракатнинг ўсиб бориши ҳамда миллий-озодлик кураши фронтининг кенгайиб бораётганлиги шундан гувоҳлик бериб турибди. 1939 йили жаҳонда 43 коммунистик партия бор эди, ҳозирги вақтда уларнинг сони 87 га етди. Иккинчи жаҳон урушига қадар компартиялар ўз сафларига 4,2 миллион коммунистни бирлаштирган эдилар. Эндиликда компартияларнинг сафларида 36 миллиондан ортиқ киши бор.

Ер юзидаги уч миллиард аҳолидан бир миллиарддан ортиқ киши социализм байроқлари остида Ленин кўрсатган йўлдан бормоқда. Инсониятнинг 40 процентдан кўпроғи мустамлакачилик қуллиги занжирларини узиб ташлади ёки ўз озодлиги учун курашаётир. Осиё ва Африкадаги собиқ мустамлакалар ўрнида 40 тага яқин янги мустақил давлатлар вужудга келди. Планетамизда яшовчи кишиларнинг атиги тўртдан бир қисмигина ҳали ҳам капитал зулми остида азоб чекмоқда.

Ленин ғояларининг буюклигини, у ўз ҳаётида қилган ишларнинг улкан аҳамиятини эндиликда ҳатто бизнинг душманларимиз ҳам тан олишга мажбур бўлаётирлар. Масалан, АҚШ давлат секретарининг ўринбосари Честер Боулс марксизм-ленинизм ғояларининг кенг тарқалаётганини ва турмушда амалга ошаётганини назарда тутиб, қуйидагиларни айтди: «Дунё тез ҳаракат қилиб, шундай бир тарихий маррага яқинлашмоқдаки, бу марра кишилик жамиятининг бир қанча авлодлар ҳаёти давомидаги ва ҳатто асрлар давомидаги шаклини белгилаб бера олади...».

Капитализмнинг ҳалок бўлиш перспективалари унинг арбобларини даҳшатга солмоқда. Империалистлар зўр бериб қуролланишни давом эттирмоқдалар, ҳарбий тайёргарлик ишларини кенгайтириб юбораяптилар, дунёнинг турли қисмларида янгидан-янги ҳарбий базаларни вужудга келтираётирлар. АҚШ, Англия ва Франциянинг ёрдами билан Ғарбий Германия Европада асосий ҳарбий хавф ўчоғига айланиб бораяпти. Буларнинг ҳаммаси социалистик мамлакатлар халқларини ҳушёр қилиб қўймоқда, бутун дунё меҳнаткашларининг қаҳр-ғазабини қўзғамоқда.

Ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув бўлиб яшаши тўғрисидаги ленинча сиёсатни изчиллик билан ўтказиб келаётган Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ҳукуматлари реакция кучларининг ҳийла-найрангларини ҳушёрлик билан кузатиб турибдилар ва ўз вақтида тегишли чораларни кўрмоқдалар. Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам кўрсатиш бўйичa тузилган Варшава шартномаси қатнашчилари бўлган давлатларнинг Сиёсий консультатив комитетининг 28—29 мартда Москвада бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси худди шундан далолат беради.

«Варшава шартномаси қатнашчилари бўлган мамлакатлар, — дейилади шу мажлис қатнашчилари қабул қилган ахборотда, — империалистик давлатларнинг ҳарбий тайёргарликни кучайтириб юбораётганликларига бефарқ қараб туролмайдилар».

Халқлар улуғ Ленин байроғи остида ер юзида демократия, тинчлик ва социализмнинг ғалаба қозонишига эришадилар.

**Л. НИКИТИН.**

В. И. Ленин Путилов заводининг қизил гвардиячилари орасида (1917 йил).
ТАСС фотохроникаси.

# КУБАДАГИ ИНТЕРВЕНЦИЯ БАРБОД БЎЛДИ!

*Жаҳон меҳнаткашлари Куба халқини ғалаба билан қутламоқдалар.* Агрессорларга қақшатғич зарба берилди. Революция ғалаба қозонди. Кеннеди ўз планидан воз кечди

## Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитетига

## ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВГА

Биз Катта Москванинг коммунист-бинокорлари қўриқ ерлардаги районларни янада ривожлантириш соҳасида партиямиз ва унинг ленинчи Марказий Комитети томонидан совет халқи олдига қўйилган вазифаларни диққат билан чуқур ўрганиб чиқдик. Ўзлаштирилган қўриқ районлар қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ва бутун совет халқи эришган жуда катта муваффақиятлар натижасида товар-ғалла етиштирувчи йирик марказ бўлиб қолди. Қўриқ ерларни ўзлаштиришдаги жуда катта муваффақиятлар Коммунистик партия ленинча сиёсатининг тўғрилигини ва узоқни кўриб белгиланган сиёсат эканлигини яққол исботлаб берди.

Н. С. Хрушчев Қўриқ ўлка қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгашида 1961 йил 14 мартда айтдики, қўриқ ерларни ўзлаштиришни қисқа муддатли битта штурм билан ҳал қилиш мумкин эмас, бу ерларни ўзлаштириш узоқ даврни мўлжаллаб, планли равишда ва муайян мақсадни кўзлаган ҳолда иш олиб боришни талаб қилади. Қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар олдида янги проблемалар пайдо бўла беради. Қўриқ ўлка дон етиштириш билан бир қаторда гўшт, сут, жун ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириб берадиган йирик марказга айланиши лозим.

Қўриқ ерларни ўзлаштиришда бевосита қишлоқ хўжалигига таллуқли бир қанча масалаларни ҳал қилишдан ташқари жуда кўп миқдорда уй-жой, маданий-маиший бинолар, саноат корхоналари, чорвачилик фермалари, йўллар, ирригация системалари ва бошқа иншоотлар қуриш масаласи ҳам хийли муҳим масалалардир. Етарли миқдорда малакали бинокор кадрларсиз бу масалани ҳал қилиб бўлмаслигини яхши тушуниб, биз, коммунистлар, партиянинг бу улуғ ишига ўзимизнинг бутун кучимиз, билимимиз ва тажрибамизни беришни ўзимизнинг партиявий бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Марказий Комитетдан бизни қурилишнинг энг қийин участкаларига юборишни сўраймиз. Ленинчи Марказий Комитетни ва шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчевни ишонтириб шуни айтамизки, биз ўзимизга кўрсатилган ишончни оқлаймиз.

**Главмосстрой йўл-кўприклар қурилиши бошқармасига қарашли 42-яхтисослаштирилган бошқарма ходимлари ШАШКИН В. А. — партбюро секретари, бошқарманинг бош механиги; БОЛДИШЕВ В. В. — партбюро аъзоси, бошқарма бошлиғи; ТЕСЛЯ А. И. — КПСС аъзоси, бошқарма бош инженери; МЕЛЬЯН А. М. — КПСС аъзоси, бошқарманинг старший прораби; ВАСИЛЬЕВ А. В. — партбюро аъзоси, бошқарма прораби; ГРИГОРЬЕВ П. Ф. партбюро аъзоси, бошқарма механиги.**

## КПСС делегацияси Ҳиндистондан қайтиб келди

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов (делегация бошлиғи) ва КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Д. П. Шевлягиндан иборат составдаги КПСС делегацияси 20 апрелда Деҳлидан Москвага қайтиб келди. Делегация Ҳиндистон Коммунистик партиясининг VI съездида қатнашиш учун борган эди. (ТАСС).

## АДАБИЁТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДАГИ ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ ҚОМИТЕТИДАН

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт ва санъат соҳасидаги Ленин мукофотлари комитети бу йил 1961 йилги Ленин мукофотларини олиш учун кўрсатилган кандидатлар ҳақида меҳнаткашлардан кўп хатлар жамоат ташкилотларининг муҳокамалари ва фикрлари билдирилган кўпгина материаллар олди, бу материаллар комитетнинг совет жамоатчилигининг фикри билан кенг танишиб чиқишига имкон берди.

Комитет шу материалларни юборган барча ташкилотларга, ижодий союзларга ва айрим меҳнаткашларга ўз ташаккурини изҳор қилади.

## ҚОЛОҚ КОЛХОЗЛАРГА ОТАЛИК ЁРДАМИНИ КУЧАЙТИРАМИЗ

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг кўрсатмаларига амал қилиб, Сибирь, Украина, Москва яқинидаги ҳамда Шимолий Кавказ қишлоқ хўжалиги илғорларининг ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб Тошкент областининг 14 та илғор хўжалиги колоқ колхоз ва совхозларни ўз оталикларига олиб, бу хўжаликларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ташкил этилиши, экинлардан мўл ҳосил етиштирилишини таъминлаш соҳасида ёрдам беришга қарор қилган эдилар.

Область партия комитети бу илғор хўжаликлар правлениеларига партия ташкилотларининг ташаббусини маъқуллади.

Масалан, Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози (раиси Т. Эгамбердиев, партия ташкилотининг секретари У. Исломов ўртоқлар) «Сталинград» колхозини, шу райондаги 1-«Қибрай» совхози (директори А. М. Мавлонов, партия ташкилотининг секретари А. А. Ҳайитбоев ўртоқлар) «Химик» совхозини;

Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхози (раиси Пак Ден Хиб, партия ташкилотининг секретари Ш. Утебоев ўртоқлар) «Коммунизм» колхозини, «Гулистон» колхози (раиси И. Холматов, партия ташкилотининг секретари М. Файзиев ўртоқлар) «Ленинобод» колхозини ҳамда «Коммуна» колхози (раиси М. Миртуҳамедов, партия ташкилотининг секретари И. Тўқсонов ўртоқлар) Калинин номли колхозни;

Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхози (раиси Ким Пен Хва, партия ташкилотининг секретари Ан Ир Чен ўртоқлар) Максим Горький номли колхозни, Энгельс номли колхоз (раиси А. Кўсаев, партия ташкилотининг секретари Т. Мусабеков ўртоқлар) Сталин номли колхозни;

Чиноз районидаги Киров номли колхоз (раиси Ғ. Далибоев, партия ташкилотининг секретари А. Юсупов ўртоқлар) Ленин номли колхозни, «XXI партсъезд» колхози (раиси Н. Пўлатов, партия ташкилотининг секретари К. Мамедов ўртоқлар) Сталин номли колхозни, «Қизил Октябрь» колхози (раиси Ғ. Абдуллаев, партия ташкилотининг секретари Б. Тожибоев ўртоқлар) Навоий номли колхозни, 4-наслчилик совхози (директори К. Аҳзамов, партия ташкилотининг секретари С. Қурбонов ўртоқлар) «Коммунизм» колхозини, 9-виночилик-боғдорчилик совхози (директори Юрков, партия ташкилотининг секретари Кириллина ўртоқлар) «Октябрь 40 йиллиги» колхозини;

Қуйи Чирчиқ районидаги «ЎзССР беш йиллиги» совхози (директори И. Иброҳимов, партия ташкилотининг секретари А. И. Ланговой ўртоқлар) Красин номли колхозни;

Бўка районидаги Ильич номли колхоз (раиси У. Жаркинбоев, партия ташкилотининг секретари У. Жумабоев ўртоқлар) «Ленинобод» колхозини;

Калинин районидаги Сталин номли колхоз (раиси Т. Мирзаев, партия ташкилотининг секретари М. Юсупов ўртоқлар) «Москва» колхозини, Карл Маркс номли колхоз (раиси Р. Абдуллаев, партия ташкилотининг секретари А. Қодирхўжаев ўртоқлар) Куйбишев номли колхозни. Охунбобоев номли колхоз (раиси С. Раҳматуллаев, партия ташкилотининг секретари М. Юнусова ўртоқлар) «Ленинизм» колхозини, Генерал Раҳимов номли колхоз (раиси М. Маъмуров, партия ташкилотининг секретари К. Латипов ўртоқлар) «Октябрь» колхозини;

Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози (раиси М. Юнусов, партия ташкилотининг секретари К. Эгамбердиев ўртоқлар) Ворошилов номли колхозни;

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз (раиси А. Шукуралиев, партия ташкилотининг секретари М. Бегматов ўртоқлар) Ленин номли колхозни, 1-«Далварзин» совхози (директори Ғ. Иброҳимов, партия ташкилотининг секретари Х. Юсупов ўртоқлар) «Чанқ» совхозини, 2-«Далварзин» совхози (директори Ғ. Қодиров, партия ташкилотининг секретари Р. Исмоилов ўртоқлар) «Ширин» совхозини оталикка олдилар.

Эндиликда колоқ хўжаликларни ўз оталикларига олган илғор колхоз ва совхозларнинг вазифаси ҳар бир ғанимат фурсатдан унумли фойдаланиб, колоқ колхоз ва совхозларда чигит ва бошқа экинлар экишнинг ўз вақтида ўтказилишига амалий ёрдам беришдан иборатдир.

„ТОШКЕНТ" ҲАҚИҚАТИ
4-БЕТ, 22 АПРЕЛЬ, 1961 ЙИЛ.

## *Исёнчилар овози ўчди*

**НЬЮ-ЙОРК, 20 апрель. (ТАСС). «Кубага бостириб кириш барбод бўлди.**

**Бу воқеа Фидель Кастро ҳокимият тепасига келгандан буён унинг жуда катта тантанасидир»,— деб хабар қилди Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги.**

**Агентлик шуни кўрсатиб ўтадики, туширилган исёнчилар радиосининг овози кеча кундузи соат 3 дан 30 минут ўтганда тинди ва Майамидаги эмигрантлар доиралари Кастрога қарши бўлган беш минг кишилик отряд йўқ бўлиб кетса керак, деб тан олдилар.**

## ГАВАНАДА ШОД-ХУРРАМЛИК

ГАВАНА, 20 апрель. ТАСС мухбири **Н. Чигирь** хабар беради: Гаванада шод-хуррамлик. Куба пойтахтида қуёш чиқмасданоқ шаҳар кўчаларида хушчақчақ овозлар, қўшиқлар янграй бошлади.

Куба радиостанциялари Америка империализмининг ёлланган қўшинлари тор-мор келтирилганлиги тўғрисидаги хабарни эрталаб соат уч яримда эшиттирдилар. Бу хабарни бутун халқ кутган эди: Бундан олдинги куни Фидель Кастро имзолаган расмий ахборотда агрессорларни тамомила тугатиш масаласи бир неча соат ичида ҳал бўлади, деб айтилган эди. Кубаликлар Фиделга астойдил ишонадилар. У бир неча соатдан кейин ғалаба қозонилади, деб айтган экан, демак шундай бўлади, дейишади улар. Призмниклар кечаси ўчирилмади. Ҳамма кўнгилчи хабарларни кутиб турди. Ниҳоят бу хабар ҳам келди.

Гаванада чиқарилган эрталабки газеталар интервентлар устидан ғалаба қозонилгани тўғрисидаги хабарларни «Революция ғалаба қозонди!», «Агрессорга қақшатқич зарба берилди!», деган катта сарлавҳалар остида босиб чиқардилар. Ғалаба ҳақидаги ахборот текстининг ёнида Фидель Кастронинг портрети босилиб чиққан.

Газеталар қаҳрамон Куба билан оммавий бирдамлик ҳаракат тўғрисида, ҳамма халқларнинг — «Кубадан қўлингни тарт!» деб якдиллик билан қилган талаби ҳақида жаҳоннинг ҳамма қисмларидан олинган жуда кўп телеграммаларни эълон қилдилар. Бу қудратли қардошлик мадада кубаликларга қийин пайтда ёрдам берди. Улар душман устидан қозонган ғалабаларини, ўз шодлиги ва қувончларини ер юзидаги ҳамма эрксевар халқлар билан ўртоқлашадилар.

## СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ СОВҒАСИ

ТАУНГЧЖИ (Марказий Бирма), 20 апрель. ТАСС мухбири **А. Власов** хабар қилади: Шань давлатининг пойтахти Таунгчжи шаҳрида госпиталь қурилиши ва уни жиҳозлаш тугалланди. Бу госпиталь Совет Иттифоқининг Бирма Иттифоқи халқига совғасидир. Шу муносабат билан бу ерда бўлган Бирма Иттифоқининг бош министри У Ну бугун госпиталда бўлди. Совет Иттифоқидан Таунгчжига келтирилган тез ёрдам машиналари ҳам унга кўрсатилди.

Бош министр госпиталь билан танишиб чиққандан кейин тўпланган кишилар олдида нутқ сўзлаб, бундай деди:

— Мен госпитални зўр мамнуният билан кўздан кечирдим. Бирмада бундай даволаш муассасаси йўқ эди. Мен энг янги медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган операция кабинетида бўлдим. Бундай операция кабинети Бирмадаги бironта бошқа госпиталда йўқ. Мен аминманки, Бирманинг кўпгина аҳолиси бу ерда малакали медицина ёрдамини, бирмалик врачлар эса яхши практика олишлари мумкин.

Ҳукуматнинг қарорига мувофиқ, деди У Ну, госпиталь Шань давлати ихтиёрига топширилади.

Бош министр ўз сўзининг охирида Совет ҳукуматига, госпитални қуришда қатнашган совет ва бирма мутахассисларига ташаккур изҳор қилди.



«Партия о муэрте!» (Ватан ёки ўлим!). Бу Куба ватанпарварларининг шиоридир. Куба халқи революция ғалабаларини қаҳрамонларча ҳимоя қилмоқда. Суратда: ишчилар милиция бўлинмаси Гавана осмонини қўриқламоқда. ТАСС фотохроникаси.

## БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ СИЁСИЙ КОМИТЕТИДА

НЬЮ-ЙОРК, 21 апрель. ТАСС мухбири **Н. Крестников** хабар беради: БМТ Бош Ассамблеясининг Сиёсий комитети кеча Америка Қўшма Штатларининг агрессив ҳаракатлари тўғрисида Куба ҳукуматининг шикоятини муҳокама қилишни давом эттирди. Биринчи бўлиб сўз олган Цейлон вакили Субасингҳе Кубага қарши агрессия муносабати билан ҳамма мамлакатлардаги умумий ташвиш тўғрисида гапирди. У БМТни Кубага қарши агрессиянга ҳотима бериш учун қатъий чоралар кўришга даъват этди.

Саудия Арабистонининг делегати Шукейри Кубага қилинган қуролли ҳужум муносабати билан ўз ҳукумати ва халқи номидан катта ташвиш билдирди. Унинг делегациясининг фикрича, Куба масаласи уруш ва тинчлик масаласидир. У ҳамма делегатларни Куба проблемасини қараб чиқишга ана шу нуқтаи назардан қарашга даъват этди. Шукейри Куба ҳукуматининг шикоятини тўла равишда қўллаб-қувватлади ва АҚШнинг бу масаладаги позициясини қаттиқ танқид қилди. Шукейри давлат департаменти томонидан яқинда эълон қилинган «Оқ китоб» деб аталган китобга Куба халқининг ички ишларига ошкора аралашиш деб баҳо берди. Бу китоб, деди у, Фидель Кастро ўз революциясининг идеалларига хиёнат қилди, деб даъво қилади. Шукейри Америка делегациясининг бошлиғи Э. Стивенсонга мурожаат қилиб, бу масала юзасидан аввало, бутун Куба халқи қарор чиқариши керак, ва бу масаланинг Қўшма Штатларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, деди. Давлат департаментининг «ҳужжати», деб давом қилди у, Кубада Коммунистик партия бор, деб даъво қилади. Аммо бу нарса Сизга Куба халқининг ички ишларига аралашиш ҳуқуқини берадими? — деб сўради у Америка делегатидан. Агар шу йўлдан бориладиган бўлса, Қўшма Штатларга коммунистик партиялари бўлган ҳамма мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш ҳуқуқи берилган бўлиб чиқади. Бош министр Н. С. Хрушчев жаҳоннинг биринчи коммунисти. Шундай экан, сиз Совет Иттифоқининг ички ишларига ҳам аралашмоқчимисиз? — деб савол берди Шукейри Стивенсонга. Шукейри бу гапларни айтганда, залдагиларнинг ҳаммаси кулиб юборди.

«Оқ китоб», деб давом қилди Шукейри, Фидель Кастрога коммунистик мамлакатлар билан ҳамма алоқаларни узишни қўпол суратда таклиф этади ва аслида, Куба халқини ўз ҳукуматини ағдариб ташлашга даъват этади. Саудия Арабистонининг делегацияси бу даъватни буюк давлатнинг ўз кичик қўшниси ички ишларига ошкора ва ҳаёсиз аралашуви деб ҳисоблайди.

Сўнгра Саудия Арабистони делегациясининг бошлиғи Э. Стивенсондан АҚШ давлат секретари Дин Раск яқинда бўлиб ўтган матбуот конференциясида индамай ўтган саволларга жавоб беришни сўради. Бу саволлар қуйидагилардан иборат: Қўшма Штатлар ҳукумати Кастрога қарши кучларнинг раҳбарлари билан алоқа боғлаганми; АҚШ ҳукумати ёлланган кучларга ҳарбий, молиявий ва бошқа хил ёрдам бериб турибдими? Кубага бостириб киришни ташкил этиш мақсадида ёлланган кучларни жойлаштириш учун АҚШ территориясидан фойдаланилаётирми? Кубага бостириб кириш мўлжалланаётганлиги тўғрисида Америка ҳукуматининг олдиндан хабари бормиди? Бу саволларга жавоблар бутун жаҳон жамоатчилигига маълум,—деб таъкидлади Шукейри. Бу ҳақда ҳатто Америка матбуоти ҳам очиқ ёзаётир. Биринчи сиёсий комитет делегатлари қўйилган саволларнинг моҳияти юзасидан Стивенсоннинг баёнотини эшитишни истар эдилар.

Америка ҳукуматининг ҳамма қочоқларга, шу жумладан кубалик қочоқларга ҳам ёрдам бериши ҳақидаги баёнотига тўхталиб, Шукейри, агар шундай бўлса, нима учун Америка ҳукумати француз ва инглиз мустамлакачиларига қарши курашаётган жазоирлик қочоқларга ва уммонлик қочоқларга ёрдам бермайди, деб сўради. Франция ва Англия вакиллари Саудия Арабистони делегатининг сўзини бўлиб, у «муҳокама қилинаётган масала»нинг доирасидан четга чиқаётир, дедилар. Ҳозир Америка матбуоти, деб давом қилди Шукейри, Фидель Кастрони туширилган ёлланма кучлар десантига қарши курашда совет танклари ва самолётларидан фойдаланган, деб айблашга уринмоқда. Лекин бу танклар ва самолётлар эндиликда русларники эмас. Улар Кубаники бўлиб қолди ва Фидель Кастро бошлиқ Куба ҳукумати ўз қуролли кучларидан ўзи билганича фойдаланишга ҳақлидир. Америка ҳукумати Монро доктринаси деган доктринага асосланиб, Ғарбий ярим шарга коммунизмнинг суқилиб киришига йўл қўймаслигини тез-тез айтиб туради. Лекин АҚШ ҳукумати ўша доктринанинг ўзи Америка қитъасидаги бирор давлатнинг Ғарбий ярим шардаги бошқа давлат ишларига аралашмаслиги принципини эълон қилганлигини эсидан чиқариб қўймоқда. Саудия Арабистони делегациясининг фикрича, Қўшма Штатлар Кубанинг ички ишларига аралашиб, бу билан ўзлари шунчалик қаттиқ қаклаб келаётган Монро доктринасининг белгиланган принципларини ўзи бузмоқда.

Шукейри бу доктринанинг юридик томонига тўхталиб, дунёни сунъий равишда қандайдир доираларга бўлиш мумкин эмас, деди. Агар шу йўлдан бориладиган бўлса, деди у, буюк давлат сифатида Совет Иттифоқи Европа қитъасида, Хитой эса Осиё қитъасида ўзининг алоқида ҳуқуқларини даъво қилишлари мумкин. Саудия Арабистони юқорида айтилган давлатларнинг ҳеч қайсиси жаҳонни ўз таъсир доираларига бўлиб олишга интилмаётганлигини мамнуният билан таъкидлайди. Нима учун АҚШ бунга интилаётир?—деб савол берди у. Саудия Арабистони делегацияси бошлиғининг нутқи қарсаклар билан кутиб олинди.

Шундан кейин сўзга чиққан Гана вакили А. Квейнсон-Секки Кубага ҳарбий ҳужум қилинганлиги ва бу ҳужум кўп киши қурбонларига сабаб бўлганлиги муносабати билан таассуф билдирди. У, Куба проблемаси тинч йўл билан ҳал этилади ва халқаро кескинликнинг янада кучайишига сабаб бўлмайди, деб умид билдирди. Ҳар бир давлат мустақил тараққиёт ҳуқуқига эга ва ҳеч ким унга бирор тарзда ҳарбий, сиёсий ёки иқтисодий тазйиқ кўрсата олмайди. Гана вакили: Қўшма Штатлар кубалик контрреволюционерларни қуроллантирганми? Қўшма Штатлар контрреволюционерларнинг ҳарбий тайёргарлиги учун ўз территориясини бериб қўйдими? Қўшма Штатлар бу контрреволюционерларни бундан буён ҳам қўллаб-қувватламоқчими? — деган саволларга Америка делегациясининг жавобларини ҳамма делегатлар мамнуният билан кутиб олган бўлур эди, деди.

Гана делегациясининг фикрича, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тинчликни сақлаш манфаатларини кўзлаб, бирорта ҳам давлатнинг Фидель Кастро ҳукуматига қарши чиқаётган кучларга бевосита ёки билвосита ёрдам бермаслигини талаб қилиши ва Куба масаласининг тинч воситалар билан ҳал этилишига эришиши лозим.

Пировардида, Гана вакили Мексиканинг резолюция лойиҳасини қувватлади.

Болгария делегациясининг бошлиғи АҚШ вакили ва ишни Кубада гўё кубаликларнинг ўзлари ўртасида кураш бораётир, деб кўрсатишга муваффақиятсиз уринди, деди. У, Америка матбуотидан олинган жуда кўп мисоллар Қўшма Штатларнинг ёлланган кучларни тайёрлашда бевосита иштирок этганини ва уларга десант туширишда ёрдам берганлигини тасдиқлайди, деб таъкидлади. Болгария делегациясининг бошлиғи ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган Куба халқига ўз делегацияси номидан қизғин хайрихоҳлик изҳор қилди.

У ўз сўзининг охирида Руминия резолюция лойиҳасини ҳамда Совет делегацияси таклиф этган резолюция лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

## Польшаликлар қутлови

ВАРШАВА, 20 апрель. (ТАСС). Кубада интервентлар тор-мор келтирилганлиги ҳақидаги хабар халқ Польшасида умумий шод-хуррамлик туғдирди. Бу хабар дарҳол ҳамма ерда тилга олинабошланди. Саноат корхоналарида, муассасаларда, кўчаларда, трамвайларда, троллейбусларда ҳам шу ҳақда гап борар эди. Ҳамма якдиллик билан: ўз тақдирининг эгаси бўлган халқ енгилмасдир деган фикрни билдирар эди. Куба халқи ғалаба қилди. Тинчлик ва тараққиёт кучлари уруш ва агрессия кучларидан зўр чиқди. Мудҳиш агрессиянинг ташкилотчилари ва илҳомлантирувчилари Америка империалистларига муносиб зарба берилди.

Кубанинг Варшавадаги элчихонаси номига кўпдан-кўп телеграммалар келмоқда. Польша меҳнаткашлари бу телеграммаларда қаҳрамон Куба халқини ғалаба билан қутламоқдалар, ўзларининг тўла бирдамлигини унга изҳор қилмоқдалар.

## КЕННЕДИ ЎЗ ПЛАНИНИ ЎЗГАРТИРДИ

НЬЮ-ЙОРК, 20 апрель. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги Вашингтондан хабар қилади:

Бугун Оқ уйдан хабар қилиниши ча, президент Кеннеди шу ҳафтанинг охирги кунларини АҚШнинг Атлантик флоти кораблида Флориданинг шарқи-шимолий соҳилларида ўтказиш ҳақидаги планидан воз кечган. Бунинг ўрнига у пойтахтда қолади ва бир қанча кенгашлар ўтказади.

## АҚШДА КУБАДАГИ ВОҚЕАЛАР ҲАҚИДАГИ ХАБАРЛАРГА ЦЕНЗУРА ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ

ГАВАНА, 20 апрель. (ТАСС). Пренса Латина агентлигининг хабар қилишича, АҚШ мудофаа министрлиги Кубадаги воқеалар ҳақидаги ҳамма хабарларга ва хусусан Карриб денгизи районида ва Атлантик океанининг жанубий қисмида Америка ҳарбий денгиз қисмларининг силжиши ҳақидаги хабарларга цензура жорий этилганлигини эълон қилган.

## Телевизор ЭКРАНИДА

**22 АПРЕЛДА**

**18.00. «Ленин ҳақида ҳикоялар» — бадиий фильм.**
**19.45. Сўнгги ахборот.**
**Соат 20.10 да Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 91 йиллигига бағишланган концерт олиб кўрсатилади.**

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

## ТОШКЕНТНИНГ ТАНЮША ЖОЙЛАРИДА

### ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/IV да кечқурун **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/IV да **Йўлчи юлдуз**, 23/IV да **Гамлет.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/IV да **Хоразм эртаси**, 23/IV да **Равшан ва Зулхумор.**

### КИНО

**Ульяновлар оиласи** — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да).

**Ленин 1918 йилда** — «ИСКРА» (кеч соат 7 да).

**Ленин йўлланмаси билан** — «СПУТНИК» (эрталаб соат 10 ва кеч 8 да).

**Шахсан маълум** — «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 6 да).

**Саккизинчи эшик** кенг экранли фильм). — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

**Тўғондаги ҳодиса** — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

**Очилган қўриқ** (3-серия) — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 5 дан).

**Ҳақиқат** — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 ва кеч 6-50 минутда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч 5 да).

**Намуналы йигитлар** — «ИСКРА» (кеч соат 5 гача), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч 6 яримда).

**Олтин юлдуз таққан малика** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10, кундуз 12, 3, кеч 8 ва 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

**Кўр ўғли** (кенг экранли) — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 8 ярим ва 10-20 минутда).

**Совет кино санъатини пропаганда қилиш бюроси, Гастрольбюро, Бутун Россия гастрол концерт бирлашмасининг Ленинград бўлими ва ўзбек давлат филармонияси.**

КПСС XXII СЬЕЗДИ ОЛДИДАН МАРКАЗИЙ **«ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА**
13, 14 майда

КАЙТА

**САНЪАТ БАЙРАМИ**

**ўтказадилар.**

Совет Иттифоқининг етакчи кино, театр ва эстрада усталари қатнашади.

Коллектив бўлиб келиш учун ўзбек давлат филармониясида («Правда Восток» кўчаси, 10-уй) заявкалар қабул қилинади.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА**
2 майгача
қишки мавсумнинг ёпилиши олдидан

**АРСЛОНЛАР**

ЎРГАТУВЧИ
**В. БОРИСОВ**
**гастролининг сўнгги кунлари.**

22/IV да тамошалар кеч соат 7 яримда, 23/IV да — кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

## „Ўзбекистон социал таъминоти" журналининг янги сони чиқди

Икки ойда бир чиқадиган «Ўзбекистон социал таъминоти» журналининг март-апрель сони босмадан чиқди.

Журналнинг муқовасида улуғ доҳий Ленининг салобатли портрети босилган. Журнални варақлай бошлашингиз билан «Кишиларга ленинча ғамхўрлик» деган умумий сарлавҳа остида Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Владимир Ильич имзолаган социал-таъминот масалаларига доир ҳужжатларни қизиқиб ўқийсиз. 1918 йилдан КПСС аъзоси ўртоқ С. Мамушкининг Ленин ҳақидаги хотираси ҳам кенг журналхонлар эътиборини тортади.

«Пенсия таъминоти» рубрикаси остида Ўзбекистон ССР Социал таъминот министри В. Содиқованинг «Қизил Ўзбекистон» газетасида чиқарилган «Колхоз пенсияси» мақоласи кўчириб босилган, колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгаш тузиш тўғрисида янги Низом лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига ҳавола қилинган.

Шунингдек бу сонда партия XXII съезди ва 1-Май шарафига социал таъминот системасидаги корхоналарда социалистик мусобақанинг қизғин тус олганини акс эттирувчи материаллар, Мирзачўлни ўзлаштираётганлар тўғрисида очерк, кўрлар кўзини очаётган врачлар ҳақида лавҳа, ёзувчи Собир Абдулланинг «Мавлави Миршиддиқнинг ижодлари» сарлавҳали ҳикояси ва бошқа бир қанча ўқимишли материаллар бор.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекиста, ва, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали
Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048. 132. Секретариат 34808. 115
Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Хатлар бўлими — 34048, 156. Эълонлар бўлими — 28142.

Р.01564. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. В. 1581.